

Oila va jamiyat

№ 7 (1410)
20-FEBRAL
2019-yil

@oilavajamiyatgazetasi_bot

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Surxonning Sehrli ovozi

2019 йилнинг 5-10 апрель кунлари Термиз шаҳрида "Халқаро бахшичилик санъати фестивали" бўлиб ўтади.

Бугун Сурхондарё вилоятида юзга яқин истеъдодли бахшилар яшаб, ижод қилмоқда.

»12

Биз "эркакшода", "дағал" дея нисбатлайдиган ҳар қандай серзарда, жалҳдор аёл сурати ортида назокатга ошно қалб, мулоим, меҳрибон сират туради.

»11

Тоҳир Калели, Нафас, Йигит, Амир Қожа угли, Нихон, Камол ва ҳоказоларнинг номини ўқиб, тилимни тишладим.

»10

Агар яна бир марта кучадан калтак еб, йиғлаб келсанг, ўзингни ураман. Хеч кимдан қурқма, агар бирортасига кучинг етмаса, тош ёми темир билан сол.

»8

Сайрда уйнаб бўлишгач, қизнинг туйига таклифнома йигитнинг қўлига тегади. Йигит бамайлихотир, ҳеч нарса бўлмагандек "Бахтингни топ", дейди. Қўшиқ клипи - шу.

»6

Улар қайси ёшдаги инсонларни тезроқ ўзларига оғдириш ва ўзларининг яширин мақсадларини амалга ошириш механизмларини чуқур ишлаб чиққанлар.

»5

Малика 1420 йилда Самарқандга сафар қилади. У ўғли Мирзо Улуғбек барпо этган улугвор мадрасаи олияни кўргач, унинг гузаллигига мафтун бўлиб, Ҳиротда ҳам худди шундай мадраса қуриш ниятини кўнглига туғиб қўяди.

»4

Bugungi bolalarga qaysi kitoblarni tavsiya etish mumkin? Bu savolni shahrimiz o'qituvchilariga berib ko'rdim. Afsuski, deyarli aniq javob yo'q.

»7

— Нера чақирганда келмайсан, хайвон!! — дея бақирдим-у, мен тарафга юзланган қизимга олдимда турган санчқини отиб юбордим...

»9



ДОСТОНГА АЙЛАНГАН СУРХОНИМ

Сурхондарёга келдим-у, бахшичилик санъатининг асл моҳиятини тушунгандек бўлдим. Назаримда бундай саодатли диёрда яшаб, бахши бўлмасликнинг сира иложи йўқдек эди. Сурхондарё — бахшилар макони. Бу ерга келган одам дostonлардан, халқ термаларидан тингламай кетмайди. Зеро, сайёҳларни бу диёрга тортаётган куч ҳам бахши дўмбирасининг сеҳрли садоси ва халқ дostonларидаги сир-синоат бўлса ажаб эмас.

Сафаримизнинг илк куни Шеробод туманига йўл олдик. Тумандаги Калламозор қишлоғи атрофидаги кенгликларда Ўзбекистон халқ бахшилари Абдуназар Поёнов, Шодмон бахши Хўжамбердиев ҳамда уларнинг шоғирдлари Шерали Эгамбердиев ва Самариддин Хўшбоқовлардан "Алпомиш" дostonидан парчалар, халқ термалари ва чорловлар ёзиб олдик.

Ойнаи жаҳон орқали бахшидан дoston эшитиш бошқа экан-у, поёнсиз қир адишларда, табиат қўйнида дўмбира садосини сел бўлиб тинглаш бошқа.

Farzandingizning QAHRAMONI KIM?!

Фарзандингиздан: "Сенинг қахрамонинг ким?" деб сўраганмисиз? Мен айна мавзуда бешинчи синф ўқувчиларидан ижодий иншо олдим. Ўқувчиларимнинг севимли қахрамонлари сериаллар персонажлари эканини билиб ҳангу манг бўлиб қолдим.



Назира Боймуродова

Bolaga achchiq qilmang...

— Гулсевар!!! — деб қичқирдим. Қизим чўчиб мен томонга юзланди-ю, аммо дарров ёнимга чолиб келмади. "Амманга ўхшамай ўлгур", деб ўйларканман, асабийлашганимдан қўлларим титраб кетди.



Namangan viloyat hokimligi "Nikoh shartnomasi" tuzishni majburiy qilish taklifi bilan chiqmoqda

Наманган вилоят ҳокимлиги томонидан "Оила" кодексига никоҳни қайд этиш учун никоҳланувчилар ўртасида никоҳ шартномаси тузиш мажбурийлиги юзасидан таклиф киритилди. Яъни, унга асосан келин ва куёв ўртасида никоҳ шартномаси тузилмаган ҳолатда уларнинг никоҳи ФХДЁ органида қайд этилишига йўл қўйилмайди.

Бунда кодекснинг баъзи моддаларига қуйдагича ўзгартиш

киритиш таклиф этилмоқда:

16-модда қуйидаги мазмундаги бешинчи хат боши билан тўлдирилсин: "Никоҳ шартномаси тузилмаган шахслар ўртасида йўл қўйилмайди."

30-модданинг биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:


"Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар тузилиши лозим".

Э с л а т и б ў т а м и з ,

никоҳланувчи шахсларнинг (эр ва хотиннинг) никоҳда бўлган даврида ва никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишуви — никоҳ шартномаси ҳисобланди. Ҳозирги кунда уни тузиш ихтиёрийдир.

Сиз Наманган вилояти ҳокимлигининг бу таклифига нима дейсиз?

Манба: t.me/huquqiyaxborot



TIBBIY KO'RIK PULLIKMI?..



Ўзбекистон Республикаси Вази­рлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот мар­кази "Оилани демографик ри­вожлантириш" бўлими томони­дан Тошкент вилояти бошқар­маси ва унинг туман, шаҳар бў­лим­лари мутахассислари учун ўқув-тренинг ўт­казилди.

Унда асосий эътибор, оила қураётган ёшларнинг тиббий кўриқдан сифатли ва қонуний ўтиш масаласига қаратилди. Чиндан ҳам бугунги кунда бўл­гуси келин-куёв­лар ораси­да ўзини соғлом деб ҳисобловчи ва кўриқдан ўтишни ор­тиқ­ча

мас­ма­ша деб била­диган­лар ҳам топилади. Қолаверса, тур­нақатор навбатлар, бу хиз­ма­тин­г бе­луп эканли­гидан бе­хабар­лик, баъзида тиб­биёт муас­са­са­си­нинг ҳудуддан олис­ли­ги бу жа­ра­ён­га бе­фарқ қараш ҳо­лат­ла­ри­ни пайдо қи­ляпти. Ор­тиқ­ча вақт йў­қот­мас­лик ёки шун­чаки бе­фарқ­лик бо­ис, баъзи ни­ко­ҳ­лан­ув­чи­лар тиб­бий кўриқ ҳу­ло­са­си­ни пул билан но­қо­ну­ний оли­шаётган ҳо­лат­ла­ри ҳам уч­ра­моқ­да.

Бу эса, кела­жақ­да ўн­глаб бўл­мас ха­то­ла­ри юза­га кел­ти­раётган ва­зият­лар ҳам уч­ра­моқ­да. Тиб­бий кўриқдан асо­сий мақ­сад, кела­жақ­да қури­ла­диган оила му­ста­ҳ­кам

бўлишига қаратилган. Фар­занд­лар­нинг соғлом ва маъ­на­вий етуқ ту­ғили­ши, оиланинг бар­да­вом ва му­ста­ҳ­кам бўлиши­да, ар­зимас­дек ту­юл­ган тиб­бий кўриқ­нинг аҳа­ми­я­ти бе­қиёс. Баъзи са­баб ва ба­ҳо­на­лар билан ундан ўт­ма­ган жуфт­лик­лар би­рин­гич соғ­ли­ги­да му­ам­мо чиққанда ёки фар­занди но­соғ­лом ту­ғил­ган­да аф­сус қил­са, унда жу­да кеч бўлади.

Тренинг да­во­ми­да эътибор ёш­лар ўртаси­да "Ни­ко­ҳ ол­дидан тиб­бий кўриқдан ўтиш мас­а­ла­ла­ри­ни ўр­ганиш" бо­раси­да­ги иж­ти­мо­ий та­дқиқот ор­қали со­ха­да юза­га кел­аётган му­ам­мо ва кам­чи­лик­лар, так­лиф ва му­ло­ҳа­за­ла­ри­ни ўр­ганиш­га қаратилди.

Мазкур мавзу дои­раси­да дав­ра су­х­ба­ти ҳам таш­кил эти­либ, унда ви­лоят Ск­ри­нинг мар­кази, Соғ­лиқ­ни сақ­лаш бош­қар­маси, Ўз­бе­ки­стон Ёш­лар ит­ти­фоқи ви­лоят Ке­нгаш­и му­та­хас­сис­ла­ри ва Ну­ра­фшон ша­ҳар имом-хати­би бу бо­ра­да фикр-му­ло­ҳа­за­ла­ри­ни бил­ди­риш­ди. Та­д­бир­да ўш­бу мас­ала юза­си­дан те­гиш­ли так­лиф ҳам­да тав­сия­лар берилди.

Умида МАНСУРОВА,
"Оила" илмий-амалий та­дқиқот мар­кази Тош­кент ви­лоят бош­қар­маси хо­ди­ми.



XOTIN-QIZLAR QO'MITASI
telegramm tarmog'ida



Юз­дан зиёд сир­дар­ёлик фаол хо­тин-қиз­лар ма­ҳал­ла­лар ва оила­лар­да­ги иж­ти­мо­ий-маъ­на­вий му­ҳи­ти ўр­ганиш, та­ж­ри­ба ал­ма­шиш мақ­са­ди­да шу йил­нинг 12-14 фев­раль кун­ла­ри Фар­гона ви­лоят­и­да бў­либ қай­ти. Ўр­ганиш на­ти­жа­ла­ри­ни ви­лоят­нинг бар­ча ма­ҳал­ла­ла­ри­да ом­малаш­ти­риш мақ­са­ди­да 16 фев­раль ку­ни Боёв­ут ту­ма­ни "Бо­бо­юрт" ва "Иф­ти­хор" ма­ҳал­ла­ла­ри­да ўқув се­ми­нар­ла­ри таш­кил этил­ди. Та­д­бир­лар­да хо­тин-қиз­лар билан иш­лаш ва оила­лар­да маъ­на­вий-ахлоқ­ий қа­ри­я­ла­ри­ни му­ста­ҳ­кам­лаш бў­йича 219 на­фар му­та­хас­сис иш­ти­рок эт­ди. Ўқув се­ми­на­ри­да то­мо­рқадан са­ма­ра­ли фой­да­ла­ниш, хо­тин-қиз­лар­нинг рў­згор ту­тими син­га­ри йў­на­лиш­лар­да тар­ғи­бот та­д­бир­ла­ри таш­кил этиш бў­йича тав­сия­лар берил­ди.

НАМАНГАН. Ви­лоят иш­чи гу­руҳ аъ­зо­ла­ри, ту­ман Хо­тин-қиз­лар қў­ми­та­си ва бо­ш­қа му­та­са­дди таш­ки­лот ра­ҳ­бар­ла­ри иш­ти­ро­ки­да На­ман­ган ту­ман мар­кази­да "Ди­зайн Дур­дона оила­вий кор­хо­на­си"­нинг очи­ли­ши бў­либ ўт­ди. Оила­вий кор­хо­на­да 50 на­фар­дан ор­тиқ хо­тин-қиз до­имий иш билан таъ­мин­ланди.

БУХОРО. Ко­гон ша­ҳри­да "Хо­тин-қиз­лар ҳаф­тали­ги" дои­раси­да 8-10-синф қиз­ла­ри ўртаси­да "Ко­гон ша­ҳар ҳо­ки­ми кубо­ги" учун му­со­ба­қа бў­либ ўт­ди. Унда ша­ҳар­да­ги 11 мак­таб жа­мо­а­ла­ри тар­ки­би­да 75 на­фар­дан зиёд ўқув­чи қиз иш­ти­рок эт­ди. 3 кун да­вом эт­ган му­со­ба­қа­да Ко­гон ша­ҳар во­лей­бол бў­йича қиз­лар тер­ма жа­мо­аси­га ном­зо­длар са­ра­лаб олин­ди.

"Ко­гон ша­ҳар ҳо­ки­ми кубо­ги" 9-мак­таб жа­мо­аси­га на­сиб эт­ди. 10-мак­таб қиз­ла­ри ик­кин­чи, 6-мак­таб спорт­чи­ла­ри учин­чи ўрин­ни қў­лга қи­ри­т­ди.



OILA VA UNING A'ZOLARI HUQUQI KAFOLATLANGAN

Республика Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш Ассоциацияси то­мо­ни­дан Олий Маж­лис ҳузу­ри­да­ги ННТлар ва фуқаролик жа­ми­я­ти­нинг бош­қа ин­сти­ту­т­ла­ри­ни қўллаб-қувват­лаш жа­мо­ат фонд­и гран­ти асо­си­да Ўрта­риқч ту­ма­ни Бекте­мир МФЙ­да ўт­кази­лаётган "Оилам – ол­тин кўр­го­ним" лойи­ха­си дои­раси­да ма­ҳал­ла аҳ­ли билан "Оила­да ота-она, келин ва бо­ла­лар ҳу­қуқ­ла­ри" мавзу­си­да дав­ра су­х­ба­ти таш­кил этил­ди.

Ўз­бе­ки­стон Ре­спу­бли­ка­си Олий Маж­ли­си Қо­нун­чи­лик па­ла­та­си де­пу­та­ти, лойи­ха таш­ки­лот­чи­ла­ри, Ўрта­риқч ту­ма­ни ҳо­ким­ли­ги ва­кил­ла­ри, ма­ҳал­ла­лар му­та­хас­сис­ла­ри, пси­хо­лог, ҳу­қуқ­шу­нос ва фаол­лар иш­ти­ро­ки­да ўт­ган та­д­бир­да мам­ла­ка­ти­ми­зда оила­ла­ри­ни иж­ти­мо­ий-маъ­на­вий му­ҳи­ти­ни ях­ши­лаш, фар­вон­ли­гини юксал­ти­ри­ш­га қар­ти­лаётган эъ­ти­бор, оила­ни ас­раш, унда­ги ҳар ин­сон ман­фа­ат­ла­ри­ни ҳи­мо­я­лаш бо­раси­да яратил­ган ҳу­қуқ­ий асо­сла­ри ало­ҳи­да таъ­кид­лаб ўтил­ди.

– Бугун оила­лар­да­ги му­ам­мо­ла­рин­г ак­са­ри­я­ти ҳу­қуқ­ий са­во­дон­лик­нинг етар­ли эмас­ли­гидан келиб чи­қаёт­гани сир эмас, – деди Олий Маж­лис Қо­нун­чи­лик па­ла­та­си де­пу­та­ти Олия Юно­со­ва. – Шу билан бир­га қай­но­на-ке­лин ўртаси­да­ги му­ом­ала-му­но­са­бат­лар, му­ам­мо­лар ҳа­қи­да га­пи­риш­дан ав­вал оила­да от-

анинг ўр­ни­ни му­ста­ҳ­кам­лаш энг зарур о­ми­л экани­ни унут­мас­ли­гимиз керак. Мил­лий тар­бия­ми­зда йигит­ла­ри­ни кат­та ҳаёт­га тайёр­лаш жа­ра­ё­ни­да, ал­бат­та, бир оила­нинг бош­ли­ги сифати­да зим­маси­га кат­та масъу­лият­лар ту­ши­ши ҳам ёш­ли­гидан уқ­ти­риб бо­рил­ган. Бироқ ай­рим хо­на­дон­лар­да бу аъ­на­на­га эъ­ти­бор берил­маёт­гани, оқибат­да уйланиб, фар­занд­ли бўл­гани­да ҳам ўз фик­ри­га э­га бўл­ма­ган, кат­талар ни­ма­деса шу­ни маъ­қу­ллаб ту­ра­диган йигит­лар во­я­га ет­ди. Бундан таш­қари оила­нинг му­ста­ҳ­кам бўли­ши­да келин-куёв­лар­нинг иқ­тисодий му­ста­қил­ли­ги, яъ­ни ху­на­рли, касб-кор­ли экани ҳам му­ҳим о­ми­л­лар­дан би­ри. Бу­лар­нинг бар­часи оила­да­ги тар­бия жа­ра­ё­ни­га боғ­лиқ. Бугун қў­ллаб хо­на­дон­лар­да келин-куёв­лар­нинг ҳу­қуқ­ий билим­сиз­ли­ги, усти­га-у­стак ота-она­си­га иқ­тисодий қарам­ли­ги оқибат­и­да ёш оила­лар­да нотинч­лик­лар келиб чиқ­моқ­да. Оқибат­да эса кўп ҳол­лар­да келин­лар ва бо­ла­лар азият че­к­моқ­да. Мам­ла­ка­ти­ми­зда ҳар бир оила ва унда яшаёт­ган ҳар бир ин­сон­нинг ҳу­қуқ ва ман­фа­ат­ла­ри ка­фо­лат­лан­гани қай­но­на-қай­но­та­лар­га, келин-куёв­лар­га ва кели­нин­г ота-она­си­га ту­шун­ти­ри­шимиз керак. Оила ҳу­қуқ ва ман­фа­ат­ла­ри­ни тў­ла ан­глаб ет­гани­ми­зда­гина ат­ро­фи­ми­зда­гилар­ни но­ҳақ азият­лар­дан ҳи­мо­я қила ола­миз.

Аҳоли билан сам­ми­ий му­ло­қот шак­ли­да ўт­ган та­д­бир­да ма­ла­ка­ли му­та­хас­сис­лар ма­ҳал­ла аҳ­ли­ни қизиқ­ти­рган са­во­л­лар­га ат­ро­фи­ла жа­воб бе­риш­ди.

Раъно КАРИМОВА

SO'ROV NOMA

@oilavajamiatgazetasi_bot
71 233-28-20
E-mail: oilavajamiat@mail.ru

Халқимиз бе­жиз­га "Қарс ик­ки қўлдан чиқа­ди" де­май­ди. Сиз бор­сиз­ки – биз бор­миз. Сиз­нинг фикр-му­ло­ҳа­за­ла­рин­гиз, му­но­са­ба­тин­гиз, эъ­ти­борин­гиз биз учун жу­да му­ҳим ва қа­др­ли, му­ҳ­та­рам муш­та­рий. Так­лиф ва иста­klarин­гиз асо­си­да фао­ли­ят­имиз­ни яна­да са­ма­ра­ли йў­лга қўйиш ни­я­ти­да­миз. Бу­нинг учун бир оз вақт аж­ра­ти­шин­гиз­ни ил­ти­мос қи­ла­миз:

1. Га­зе­та­га обу­на бўл­ган­ми­сиз ёки мат­буот дў­кон­ла­ри­дан со­тиб ола­сиз­ми?
2. Обу­на бўл­ган бўл­сан­гиз қай­си мат­буот тар­қа­тув­чи таш­ки­лот­дан обу­на бўл­ган­сиз?
3. Га­зе­та ўз вақ­ти­да қў­лингиз­га етиб бо­ряп­ти­ми?
4. Сиз­нинг на­за­рин­гиз­да та­х­ри­рият қай­си мав­зу­лар­ни эъ­ти­бор­сиз қол­ди­ро­моқ­да?

5. Га­зе­та­да чоп эти­лаёт­ган ма­қо­ла­лар­нинг ба­ди­ий са­ви­я­си ҳа­қи­да қан­дай фикр­да­сиз?

6. Кў­проқ қан­дай мав­зу­лар­да­ги ма­қо­ла­ла­ри­ни ўқи­шни иста­йсиз?

7. Га­зе­та билан, жа­мо­ат­чи му­ҳ­бир сифати­да, ижодий ҳам­кор­лик қи­лиш иста­гин­гиз бор­ми?

Биз ҳар қан­дай хо­лис фикр­ни, ҳат­то у бир оз ач­чиқ бўл­са ҳам, эш­ти­ти­ш­га ва им­кон қа­дар га­зе­та са­хи­фа­ла­ри­да чоп этиб бо­ри­ш­га тайёр­ми­з. Жа­во­б­лар­ни "Теле­грам" иж­ти­мо­ий тар­мо­ғи­да­ги @oilavajamiatgazetasi_bot га жой­ла­шти­ри­шин­гиз, 71 233-28-20 ра­қа­ми­га кўн­ги­роқ қи­либ бил­ди­ри­шин­гиз ёки мак­туб ор­қали жў­на­ти­шин­гиз му­м­кин. Ўзин­гиз, касб-корин­гиз, ёшин­гиз ҳа­қи­да тў­лиқ­роқ маълумот бе­расиз де­ган умид­да­миз.

Тахририят.

OILA ILMIDAN INNOVATSION SABOQ

Президентимизнинг 2018 йил 2 февралда қабул қилинган “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази фаолияти тубдан ислоҳ қилинди ва бу ўз навбатида кўплаб муаммоларни бартараф қилиш учун имконият яратди.

Фармоннинг 9-бандида никоҳдан ўтувчи шахслар учун оилавий ҳаёт асослари бўйича мажбурий ўқув курслари ташкил қилиш масаласини ўрганиш ва халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда ўқув дастурлари ишлаб чиқиш белгиланган. Бу банд ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий амалий тадқиқот маркази ёшларни никоҳдан олдин оилага тайёрлаш бўйича ўқув дастури лойиҳасини ишлаб чиқди.

Президентимиз ўтган йилнинг 10 августида пойтахт туманларига ташрифи чоғида Шайхонтоҳур туманида “Оила” марказига “Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаби”ни ташкил этиш вазифасини юклаган эди. Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида туманда илк бор “Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаби” ташкил қилинди. Мақсад мамлакатимизда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ёш келин-куёвларга намунали оилаларнинг ҳаётий тажрибалари, оилавий муносабатларнинг маънавий-ахлоқий асослари, оила иқтисодиёти ва бюджетини юритиш, репродуктив саломатлик бўйича билим ва кўникмалар беришдан иборат эди.

Шундан сўнг марказ ўқув-лойиҳасини никоҳдан ўтувчиларни оилавий ҳаёт асослари бўйича таълим этилаётган йўналиш ва мавзулар асосида ўқув тажриба тариқасида Тошкент вилоятининг Паркент туманида ўтказилди. Оила қуриш оstonасида турган



ёшларнинг психологик, педагогик, ҳуқуқий ва диний билимларини ошириш борасида ўқув курси ташкил этилди. ФХДЁ бўлими қошидаги машғулотларда бўлғуси келин-куёвлар “Оила психологияси”, “Оила бюджети ва иқтисоди”, “Диний ва ахлоқий тарбия”, “Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар”, “Репродуктив саломатлик”, “Оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда маҳалланинг ўрни” мавзуларида маърузалар тинглашади.

Машғулотлар давомида мутахассислар ёшларга оилавий ҳаётда учрайдиган муаммолар ҳамда уларни оқилона бартараф этиш йўллари ҳақида маълумот ва тавсиялар беришади, оилавий муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, низоларнинг олдини олиш масалалари, соғлом турмуш тарзи, жинсий ҳаёт психофизиологияси, никоҳдан ташқари муносабатларнинг олдини олиш, муҳаббат, рашқ, садоқат, меҳр-оқибат туйғуларининг оила мустаҳкамлигига таъсири, намунали оилани шакллантиришда миллий

кадриятларнинг аҳамияти билан боғлиқ жараёнларда ҳуқуқий масалалар тушунтирилади.

2019 йилнинг февралига келиб, 6 ой давомида ўқув курсларида 90 жуфт келин-куёв ўқитилиб, оила психологияси, диний тарбия бўйича эр-хотин муносабатлари, оилада фарзанд тарбияси ва бошқа масалаларда етарлича билимга эга бўлишди.

Шунингдек, республикамизнинг барча вилояти ва туманларида ёш келин-куёвлар учун “Инновацион мактаб” ўқув курслари ташкил этилди.

Энди бу мактабда ФХДЁ бўлимига оила қуриш мақсадида ариза топширган йигит-қизлардан ташқари касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактабларининг битирувчи синф ўқувчилари бепул ўқишлари мумкин.

“Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаб”нинг ўқув дастури замонавий технологияларни қўллаган ҳолда масофадан ўқитиш ва маслаҳат бериш шакллари яъни, вебинар (интернет орқали семинар ва тренинг)лар, масофадан, конфеденциаллигини таъминлаган ҳолда, мутахассисларнинг онлайн консултациялари (психолог, ҳуқуқшунос ва врачлар), ижтимоий тармоқларда инновацион мактаб саҳифасини очиб, мультимедиа воситалари билан махсус жиҳозланган машғулот хоналарида видеороликлар намойиш қилиш ва уларнинг таҳлили асосида таълим бериш кабилардан иборат.

Инновацион мактабда мавжуд аънавий мактаблардан фарқли равишда нафақат жуфтликларнинг ўзини ўқитиш, балки яққа ҳолда мутахассисларнинг маслаҳатлари, муайян мавзулар бўйича гуруҳларда тренинглар ўтказиш (масалан, бўлажак келинлар учун: аёллик психологияси, гўзаллик психологияси, севишли бўлиш санъати, ўғил болалар учун андролог ва уролог маслаҳатлари ва ҳоказо) йўлга қўйилади.

Бектош ИСМОИЛОВ,

“Оила ва жамият” муҳбири



AYOLLARI TARBIVALI MILLAT – TARBIVALIDIR...

Тарбия жараёнида, албатта, аёлларимизнинг ўрни бекиёсдир. Аёлларимизни жамият тараққиётининг барча жабҳаларида фаол эканликлари сир эмас. Тарихдан маълумки, аجدодларимизнинг қадимги ёзма ва оғзаки манбаларида аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеи доимо юқори баҳоланиб келинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ҳузурида ташкил этилган махсус ўқув курсларимизда касб малакасини ошираётган хотин-қизлар билан ишлаш ва оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича маҳалла мутахассислари учун белгиланган дарс машғулотлари дастурларида ҳам оилаларни мустаҳкамлаш, фарзандлар тарбияси, комил шахсни камолга етказиш каби йўналишларга асосий эътибор қаратилмоқда.

Маънавият, психология тренингларида инсон руҳияти, унинг атрофдаги воқеа-ҳодисаларга соғлом муносабати, фикрлаши ва дунёқарашидида оиланинг, ота-она, яқинларнинг таъсири ҳақидаги таҳлиллар ўрганилади. Соғлом турмуш тарзи, миллат генофондининг соғломлиги, демографик вазиятларни барқарорлаштириш репродуктив саломатлик машғулотларида тингловчиларга етказилса, ижтимоий хизмат йўналишидаги маҳорат сабоқларида оиланинг генограммаси, эко карта ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож кишининг аҳолини баҳолаш мезонлари,



ижтимоий иш ходимининг ахлоқ этикаси ҳаётий фактлар ва интерфаол усулларда ўргатилмоқда.

Оиладаги маънавий муҳит, фарзандлар тарбияси барча-барчасида аёлнинг роли бекиёс. Ризоуддин ибн Фахриддин “Оила” номли асаридида аёллар ҳақида таъкидлаганидек: “Хотунлари тарбияли бўлган халқ – тарбияли-ю, хотунлари тарбиясиз бўлган халқ – тарбиясиз, хотунлари тиришқоқ, тадбиркор, иродали бўлган халқ – бою, хотунлари ялқов ёки исрофгар халқ фақир бўлиши аниқдир”.

Оила тарбиясининг муҳим йўналиши ғоявий тарбиядир. Оиладаги тарбия шахснинг шаклланишида, уни сиёсий, диний, эстетик, ахлоқий, бадий, касбий қарашларини маълум бир мақсад, ғоя йўлига йўналтирилган бўлади. Бундай тарбия инсон дунёқарашининг кенгайтишига хизмат қилиб, том маънода мафқуравий тарбиянинг асосини ташкил этади. Абу Наср Фаробий “Инсонда гўзал фазилатлар икки йўл - таълим ва тарбия йўли билан ҳосил қилинади.

Таълим фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса, амалий иш тажриба билан, яъни, шу халқ, шу миллатнинг амалий малакалардан иборат бўлган иш ҳаракат, касб-хунарга берилган бўлиши, ўрганишидир”, - дейди. Унингча, таълим-тарбия ишларини икки йўл билан амалга ошириш даркор. Биринчиси, - қаноатбахш, чорловчи, илҳомлантирувчи сўзлар ёрдамида одат ҳосил қилинади... Иккинчи йўл – мажбур этиш йўлидан иборат деб кўрсатиб ўтади.

Ўзбек оиласида бола онгида соғлом ғоя ва билимлар шаклланиши жараёнида оиланинг катталари – боболар, момолар, яқин қариндош-уруғлар ҳам бевосита иштирок этади. Азалий удумга биноан бола тарбиясида ота-онани кўра бобо ва бувиларнинг таъсири кучлироқ бўлади. Улар оиладаги маънавий муҳитнинг бошқарувчилари ҳисобланади. Бундай тарбия аънаванаси буюк аждодларимиз тақдирда муҳим ўрин тутган. Масалан, Амир Темур неваралари тарбияси билан уларнинг оналари эмас, бувилари шўғулланган. Хусусан, Шохрух Мирзо, Халил Султон, Улуғбек Мирзо сингари шахзодалар Сароймулхоним қўлида тарбия топган. Ахли дониш эътирофи билан айтганда, “Оналар болани дунёга келтирганликлари учун эмас, уни одобли, ахлоқли қилиб воёга етказганликлари учунгина олқишга сазовор бўладилар”.

Ситора АКРАМОВА,
“Оила” ИАТ Маркази Бухоро вилоят бошқармаси ҳузуридаги махсус ўқув курси раҳбари

Navoiy Gavharshodbegim madrasasida ta'lim olganmi?

Тарих саҳифаларини арақлаганимизда нафақат хусну латофати, балки илму маърифатга ташналиги ва зукколиги билан ҳам ном қолдирган теурий маликалар ҳақида ўқиб, қалбимизда фахр ҳиссини туямиз. Ана шундай теурий маликалардан бири Гавҳаршодбегимдир. У Амир Темурнинг тўртинчи ўғли Шоҳруҳ Мирзонинг рафиқаси, астроном олим сифатида бутун дунёга танилган Мирзо Улуғбекнинг волидасидир.



маслаҳатларига таянган. Ҳатто девон ишларини бошқариш, лавозимга тайинлаш, инъом бериш, айбдорларни жазолаш ҳуқуқига ҳам эга бўлган.

Бўлғуси малика Хоразмда ҳукмронлик қилган сўфийлар сулоласига мансуб Чигатой улуси найман амирларидан Гиёсиддин Тархоннинг (тархон – туркий қабилалардан бирининг номи) қизи бўлган. Ривоят қилишларича, Гиёсиддин Тархоннинг бобоси Қушлик, бир вақтлар Чингизхон хизматига бўлиб, жанг асосида Амир Темурни ўлимдан сақлаб қолган экан. Ана шундан бу авлод чигатой улусида махсус эътиборга сазовор бўлган. Гавҳаршодбегим шу хонадонда тахминан 1377-1380 йилларда туғилган. Гиёсиддин Тархоннинг яна икки қизи бўлиб улар ҳам Соҳибқиронга келин бўлганлар.

Гавҳаршодбегим 1388 йилда соҳибқироннинг тўртинчи ўғли Шоҳруҳ Мирзога турмушга чиққан. Муаррих Шарафиддин Али Яздий Шоҳруҳ Мирзо ва Гавҳаршодбегимнинг тўйлари теурийзода ака-ука Муҳаммад Султон ва Пир Муҳаммад Мирзо билан бирга ўтганини қуйидагича таърифлайди: “Ҳар бирига бир хури нажот қизни шаърий мутаҳҳара йўсини била берди ва Боги Биҳишда тўй қилди”. Бу воқеа ҳижрий 790 (милодий 1388) йилда содир бўлади. Ниҳоят маросимдан сўнг улар Ҳиротга қайтиб кетдилар. Бу никоҳдан уч ўғил (Улуғбек Мирзо, Бойсунгур Мирзо, Жўки Мирзо) ва икки қиз фарзанд туғилади.

Абдуразоқ Самарқандий ўзининг “Матлаъи саъдайн ва маъмаи баҳрайн” асарига Гавҳаршодбегим номини 41 ўринда тилга олади. Муаллиф уни бир ўринда “огойи” деса, иккинчи ўринда “маҳди улё” (Подшоҳнинг катта хотини бериладиган унвон) деб атайди. Бу таърифлар унинг ташқи қиёфасига уйғун бўлиб, маликанинг шоҳона базмлардаги иштироки, шу базмга мос либослари кўз олдимизга келади.

Шоҳруҳ Мирзо ниҳоятда ҳалим табиат, маданиятли киши бўлиб, фарзандлари ва набираларига қанчалик эътиборли бўлган бўлса, уларни дунёга келтирган маликаларнинг ҳам ҳурматини ҳамиша ўз ўрнига қўйган. Айниқса, Гавҳаршодбегим ўз ақл-идроки, тadbиркорлиги, хусну латофати билан Шоҳруҳ Мирзонинг ишончини қозонган. Айрим пайтларда у девон ва салтанатни бошқаришда ҳам Гавҳаршодбегимнинг


Тарихчи олим Амриддин Бердимуродов ўзининг “Самарқанд тарихидан томчилар” номли мақолалар тўпламида Гавҳаршодбегимнинг ҳатто шахсий муҳрга эга бўлганини айтиб ўтадики, бу маликанинг айрим давлат ишларида ўзи шахсан қарор қабул қилиб, унинг ижросини кузатганини тасдиқлайди. Маликанинг бу муҳри бугунги кунгача етиб келгану жуда катта сиёсий кучга эга бўлиб, тош ўймакорлигининг гўзал намунасидир. Ноёб ёдгорлик сифатида ҳозирда Санкт-Петербургдаги Эрмитаж музейида сақланади. Муҳр тахминан 1457 йилларда ишланган. Маликанинг ушбу муҳри Хуросон ҳукмронлигида катта мавқега эга бўлганлигини яна бир бор тасдиқлайди. Шунингдек, у оркали Шоҳруҳ Мирзо пойтахтда бўлмаган пайтларда давлатнинг айрим иқтисодий, ижтимоий, маданий фаолиятига оид ишлари малика мустақил ҳал қилганлигидан гувоҳлик беради. У теурий малика Сароймулк хоним даражасида бўлмаса-да, аммо ўз замонаси нуқтаи назаридан қараганда, том маънода йирик давлат арбоби сифатида баҳолаш ва қадрлашга лойиқ малика бўлган. Айниқса, Гавҳаршодбегимнинг илму маърифатга ҳомийлик қилишига, бунёдкорлик ишларига кўпдан-кўп эркак сиёсатчилар ҳавас қилса арзиғуликдир.

Малика 1420 йилда Самарқандга сафар қилади. У ўғли Мирзо Улуғбек барпо этган улуғвор мадрасаи олияни кўргач, унинг гўзаллигига мафтун бўлиб, Ҳиротда ҳам худди шундай мадраса қуриш ниятини кўнглига тугиб қўяди. Мадраса қурилиши бошлангач, бу жараёнга жалб этилган меъмор ва моҳир усталар ким эканлигини билишга қизиқади. Мадраса меъмори Самарқандда жуда кўплаб меъморий биноларнинг тарҳини чизган Қувомиддин Шерозий эканлигини билган, маликанинг ўзи меъморни Ҳиротда қурмоқчи бўлган мадраса ва унинг атрофида меъморий ансамблнинг тарҳини чизиш ва қурилишига раҳбарлик қилиш учун Ҳиротга таклиф этади. Ҳиротга қайтиб келгач, у бунёдкорлик ишларини бошлаб юборади ва орадан ўн икки йил ўтиб, Ҳиротнинг Инжил ариғи ёқасида муҳташам мадраса ва улуғвор иморатлардан иборат Мусалло ансамбли қад кўтаради.

Қувомиддин Шерозий ўз даврининг таниқли ва истеъдодли меъмори бўлганлигини Алишер Навоийнинг “Маҷолис ун-нафоис” тазкирасидаги маълумотлардан ҳам билиш мумкин. Аслида ҳам Қувомиддин фақат меъморгина бўлиб қолмай балки, ўзининг зукколиги, билим доирасининг кенглиги билан замонасининг етук шахсларидан бири эканлигини манбалар тасдиқлайди.

Муаррих Абдуразоқ Самарқандий Мусалло меъморий мажмуасининг қурилишини ўз кўзи билан кўрганлиги боис асарига батафсил маълумотларни келтиради. Муаррих, оламнинг бутун маъмур ерларида Гавҳаршодбегим қурган бу иморатга ўхшаши топилмайди, дея таъриф беради. Мадрасанинг ниҳоятда муҳташам ва баян қилиб қурилишида меъморларнинг маҳорати акс этганлигини ҳайрат билан эътироф этиш баробарида, мадрасага зеб берган наққошларнинг меҳнатига ҳам алоҳида тўхталади. Қуйидаги шеърий мисралар шу ҳақдадир (мазмун):

“Фалакнинг обод иморатлари орасида бу бинони кўрган ақл, Буниси қайси-ю униси (фалак) қайси, деб ҳар замон ҳайратга тушади. Рубъи масқун бу бинога кўшилиқдан ҳамма вақт



хушёр бўлиб туради-ю, Баян омон шипи устунидан мустаҳкамлик касб этади. Қуёш билан ойни бу бинонинг гишти учун ишлаганлар, Бирини пишган олтиндан-у иккинчисини кумушдан. Унинг ҳилоли шаклидан гардун елкаси (лой солинган) нова ташувчи бўлган-у, Офтоби эса кеча-кундуз унинг (гардуннинг) томи тепасида лой босувчиدير. Шафқ шингарфа-ю гардун лажувард кosalарга айланди, Қуёш билан ой шамса бўлди-ю қайсар чарх наққошлиқ қилди”.

Теурийлар даври солнамачиларининг асарларига кўз югуртирсак, Гавҳаршодбегим барпо этган мадраса, хонақоҳ ва бир қанча бошқа бинолардан иборат меъморий ансамблнинг қурилишига Шоҳруҳ Мирзо ҳам ҳомийлик қилганига, маликани кўллаб-қувватлаб турганлигига гувоҳ бўлаемиз. Чунки бу асарларда Шоҳруҳ Мирзо табризлик хунармандларга маликанинг мадрасаси учун ҳашаматли пўлат эшикларни бюртма қилиб ясатирилганлиги ҳақида маълумотлар бор. Аммо нега Мирзо Улуғбек айнан мана шу пўлат эшикларни Самарқандга олиб кетганлигининг сабаби ҳақида тайинли бир маълумот берилмаган. Эҳтимол бу эшиклар юксак маҳорат билан ишланган санъат намунаси бўлганлиги учун Мирзо Улуғбекнинг диққат эътиборини тортган бўлиши мумкин.

Ҳиротдаги Гавҳаршодбегим мадрасаси унинг вафотидан сўнг ўз даври учун ҳам, кейинги даврлар учун ҳам

турли мутахассислар тайёрловчи йирик илм-маърифат маркази сифатида фаолият олиб борган. Бу масқанда Саййид Аслиддин Абдулло Ҳусайний, мавлоно Камолиддин Масъуд, мавлоно Ҳалиулло Самарқандий, Хожа Абдурахмон, Низомиддин Абдулхай, Амир Бурҳониддин каби етук мутафаккир олимлар таҳсил олгани ҳамда кейинчалик мударрис сифатида дарс бергани ушбу таълим масқанининг кейин ҳам фаолият олиб борганлигини кўрсатади. Юқорида келтирилган маълумотни Алишер Навоий ўзининг «Маҷолис ун-нафоис» тазкирасида тасдиқлайди. Бу асарда исмлари зикр этилган истеъдодли ёш шоирларнинг айримлари Гавҳаршодбегим мадрасасининг талабалари эканлиги ҳақида маълумот берилади ва уларнинг ижодидан намуналар келтирилади.

Халқ орасида Шоҳруҳнинг ўзи ҳам шеър ёзганлиги ва уларни Гавҳаршодбегимга бағишлаганлиги ҳақида нақллар юрар эди. Агар бу маълумотлар ҳақиқат бўлса, у ҳолда малика ҳам шарқ шеъриятининг нозик томонларини тўғри баҳолай оладиган шеърият билимдонни эканлигидан дарак беради. Бу фикрни Алишер Навоий ўз тазкирасида тилга олган шоира Меҳри билан Гавҳаршодбегим ўртасидаги яқин муносабат ҳам тасдиқлайди. Шоиранинг Ҳофиз Шерозий газалига назира тарзида ёзилган шеъри бизгача етиб келган. Меҳри замона зайли, турли фитна фуҷурлар боис, бирмунча Шоҳруҳ томонидан зиндондан қилинган. Лекин зиндонда туриб ҳам яратган исёнқорона шеърлари, қолаверса, Гавҳаршодбегимнинг эътибори туфайли бандидан озод қилинган.

Ҳаётининг катта қисми, шоҳона базмлар, тўю шодиёналар, бунёдкорлик ишларига бой бўлган Гавҳаршодбегим умрининг охири фожиалар ва қайғулар билан ўтди. Бир сўзли, шижоатли малика бир неча марта фарзанд доғини кўрди. Катта ўғли Мирзо Улуғбек ўлдирилганида на унинг жасади ва на қабрини кўра олмади. Санъат ошуфтаси Бойсунгур Мирзо 38 ёшда вафот этди. Кенжа ўғли Муҳаммад Жўқий 44 ёшида вафот этиб, маликанинг қаддини эгиб кетди. Кексайиб, ҳам кулфат гирдонга қолган малика Мирзо Улуғбекнинг вафотидан сўнг саккиз йил умр кўради.

Ёзувчи ва адабиётшунос олим Пиримкул Қодиров Алишер Навоийнинг ёшлик йилларида Машҳаддаги Гавҳаршодбегим мадрасасида таҳсил олганлиги ҳақида маълумот бериб ўтади. Бу маълумот Гавҳаршодбегим мадрасасининг нуфузи XV аср охирида ҳам баян бўлганидан далолат беради.

Гавҳаршодбегимнинг маърифатпарвар сифатида барпо этган мадрасаи, масжиду хонақоҳи меъморий ёдгорлик сифатида ҳозирда ҳам Ҳиротда қад кўтариб турибди.

Ҳозирги кунда Қобул шаҳрида 2003 йилда очилган хотин-қизлар университети фаолият олиб бормоқда. Университет малика Гавҳаршодбегимнинг ҳурмати ва эҳтиромни рамзи сифатида унинг номи билан юриштилаётганлиги эътиборга моликдир.

Маҷмаоӣ ТУРСУНОВА,
Самарқанд давлат университети
доценти

TASHXISNING XAVFLI TANDIDI

"Оммавий маданият" "яратувчилари" инсон психологиясини яхши ўзлаштиришган. Улар қайси ёшдаги инсонларни тезроқ ўзларига оғдириш ва ўзларининг яширин мақсадларини амалга ошириш механизмларини чуқур ишлаб чиққанлар. Бу ғаламис инсонларнинг асосий мақсади тез фурсатда мўмай даромадга, моддий таъминотга эга бўлишдир. Улар доимо ушбу мақсадларини ҳар хил сабаблар билан яширишга, хастпўшлашга ҳаракат қиладилар.



Ҳазрат Жабборов – Республика Маънавият ва маърифат маркази бош мутахассиси

Айтайлик, сизга суҳбатдошингиз телевизорда намойиш қилинаётган сериаллар ёки клиплар ҳақида куюниб гапирга бошласа, кўпчилик қизиқиб қураётган бу "томошалар" шунчалар глобал аҳамиятга эга эмасдек туюлади. Қўшни аёлнинг катталарга салом бериши унутиб қўяётган фарзандларни ёки бемехр ака-укаларни қайғуриб сўзлаши ҳам гашингизни келтириши ва нима бўпти, шу билан осмон узилиб ерга тушармиди, дея эътироз билдиришингиз ҳам мумкин. Ҳа, XXI асрнинг оламшумул воқеалари ва шов-шувлари орасида ҳеч бир аҳамиятга молик эмасдек туюладиган бу "арзиманган" ахборотлар кунни келиб катта фожиаларга замин ҳозирлаётганини ҳаёлимизга ҳам келтирмайми. Миллий қадриятларимизга, ўзлигимизга зарба берадиган бу кичик ва "қизикarli томошалар" ҳамда "жозибали янгликлар" вақт ўтгани сайин инсон руҳиятида ўзгача қиёфани шакллантириб бориши билан хавфли эканини ўйламаймиз.

Нима учун ёшларимиз маънавий таназзул элчиси бўлган оммавий маданиятга кўр-кўрона эргашиб кетмоқда? Нима учун ота-оналар фарзандлари хулқ-атворидаги салбий жиҳатларни вақтида англай олмайпти? Шу каби бир қанча саволлар исканжасида ушбу мақолани ёзишга жазм қилдим.

Бундай вазиятда миллий манфаатларимиз, ҳаёт тарзимизга зид бўлган маънавий таҳдидлар моҳиятини очиб бериш, мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёндаги устувор йўналишларни аниқлаш, уларнинг аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллий қадриятлари, диний қарашлари ва ҳаётий удулларини таҳлил қилиб бориш бизни маънавий "хуружлар"дан огоҳлантиради.

Маълумки, ҳар қандай мафкура овчилари, энг аввало, ёшларни ўз сафига жалб қилишга интилади. Шу боис, уларнинг онгига захарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишга интилган кучларга қарши самарали кураш олиб бориш бўйича илмий-амалий дастурлар ишлаб чиқиш зарур. Шунинг билан биргаликда маънавий-маърифий тарғибот ишлари самардорлигининг илмий асосланган мониторингини таъминлашга қаратилган социологик, психологик тадқиқотларни олиб бориш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги "Маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида"ги қарориди дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва гоёвий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур ёритиб бериш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, "оммавий маданият", наркобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши самарали гоёвий кураш олиб бориш вазифаси қўйилди.

Ана шу вазифалар ижросидан келиб чиқиб, Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш, уларнинг аҳоли қатламларига таъсирини ўрганиш ва зарур мақсадли ва манзилли тавсиялар ишлаб чиқишга

қаратилган "Худудлардаги маънавий-маърифий муҳит ҳолати, аҳолининг ички ва ташқи таҳдидлардан хабардорлик даражаларини ташхислаб боради.

Мазкур ташхис ишларида Тошкент шаҳри аҳолисининг 69 фоиз, Бухоро вилояти аҳолисининг 66,7 фоиз, Жиззах вилояти аҳолисининг 46 фоиз ёшлари ташқи таҳдид ҳисобланган "оммавий маданият" ни "замонавий маданият" деб тушуниши бизни ташвишга солди.

Демак, биз мазкур таҳдиднинг мазмун-моҳияти, унинг инсон, халқ, миллат ривожига қанчалар хавфли эканлиги тўғрисида аҳоли орасида кенг кўламдаги мақсадли ва манзилли профилактик тадбирларни олиб боришимиз лозим.

"Оммавий маданият" – кўп қиррали жараён. Инсон яралибдики, ҳамма замонларда ҳам "оммавий маданият" ўз фаолияти ва мақсадларига, курашиш механизмлари ҳамда усул-тамойилларига эга бўлиб келган. Унинг ўзига хослиги шундаки, у замонга қараб ўз шакл-шамойилни ўзгартириб турган. "Оммавий маданият" "ишлаб чиқарувчилари" инсон психологиясини ахшигина ўзлаштиришган. Улар қайси ёшдаги инсонларни тезроқ ўзларига оғдириш ва ўзларининг яширин мақсадларини амалга ошириш механизмларини чуқур ишлаб чиққанлар. Бу ғаламис инсонларнинг асосий мақсади тез фурсатда мўмай даромадга, моддий таъминотга эга бўлишдир. Улар доимо ушбу мақсадларини ҳар хил сабаблар билан яширишга, хастпўшлашга ҳаракат қиладилар.

Тарихдан маълумки, бузғунчи маданият тарғиботчилари бутун бир давлатлар, миллатларнинг маданий меросларини таназзулга юз тутишига сабаб бўлишган.

Мутафаккир олимларимиздан Абу Али ибн Сино маданиятни инсоннинг руҳий қувват оладиган маънавий манбаи, деб таъкидлайди.

Чиндан ҳам маданият инсоннинг хулқ-атвори шаклланишида, тарбиясида, маънавиятида ўзига хос ахлоқий механизм вазифасини ўтайди. "Оммавий маданият"-чи? У шундай функцияни бажаряптими? Йўқ, аксинча, айрим бир манфур инсонлар, кучлар, оқимлар тезлик билан моддий таъминотга эга бўлишида инсонлар орасида ўзининг бузғунчи гоёларини тарқатиб, уларни

ёмон йўлларга бошламоқда. Одамлар орасида ахлоқсизлик, зўравонлик, эгоцентризм (худбинлик), ҳиссизлик, пожайдлик, дахлсизлик, масъулиятсизлик, гиёҳвандлик, миллатчилиқ, ҳаётга енгил-елпи қараш, мақсадсизлик, ишончсизлик (ўзига, бошқаларга, жамиятга, давлат бошқарув тамойилларига), эътиқодсизлик каби иллатларни авж олдиришни уюштиряпти.

Улар ОАВлари имкониятларидан ўзларининг ғаразли мақсадларига фойдаланиб, айниқса, ёшлар аудиториясига тезлик билан кириб бормоқдалар. Ҳар қандай кўрсатув, эшиттириш ва фильмда нимагадир қаҳриққ ёки бирон бир гоё, мафкурага даъват мавжуд бўлиб, инсонларни қандайдир фаолиятга йўналтиради ҳамда ўз ортидан эргаштиради. Масалан, эркин муҳаббатни тарғиб этувчи порнографик фильмлар орқали ҳақиқий, соф туйғулар обрўсизлантирилиб, унинг ўрнига Fast Love (оний кўшилиш), парифилия (бузқулик), гомосексуализм каби кўнгилхушликка муқассаддан берилишга даъват қилишади.

Ёшлар модаси орқали эса турли суб-маданиятлар элементлари бўлган, уятга қўювчи, хижолатга солувчи урфни, умум қабул қилинган либосни бузувчи "дискотека учун модда"ни – беҳаё ва очик-соник кийимларни замонавий "модага" йўйиб оммалаштиришни кўзлашади.

Дивантлик, яъни тўғри йўлдан озиш орқали тақикчи ва умум қабул қилинган хулқ-атвор меъёларини бузиш, ижтимоий нормаларга нисбатан ҳурматсиз кайфиятда бўлиш каби салбий иллатларни тарғиб қилади.

Маълумки, реал ҳаёт билан виртуал ҳаёт ўртасидаги курашлар инсонлар руҳиятида жуда кучли эмоционал зўриқни юзага келтириб, психологик мувозанатни издан чиқаради. Шу боис, "оммавий маданият" тарғиботчилари одамларни виртуал оламга махлӣб этиш борасида бор маҳоратларини ишга солишади.

Эътиқодсизлик тамойилида эса инсонларда ишончсизлик, мақсадсизлик, худбинлик, ахлоқсизлик, зўравонлик, ҳукмронлик каби жиҳатлар махлӣб қилиниб, инсонлар шу иллатларга ундалади.

Барча даврларда мамлакатлардаги ижтимоий сиёсат доимо болаларнинг ота-оналардан ажратиб қўйилишга қарши курашган эди, чунки бу алоқа давлат билан фуқаролик жамияти барқарорлигининг асосидир. Замонавий маданият эса қўпична ўсмир билан унинг ота-онасининг бир-бирига қарши қўяди, бу билан ўсмирликда муқаррар юз берадиган психологик хусусиятлардан фойдаланиб, уларни қўллаб-қувватлайди ва катталар қадрлайдиган қадриятлар эскилик сарқити эканлиги сингдириб борилади.

Афсуски, биз тадқиқ қилаётган замонавий маданият, яъни оммавий маданиятнинг салбий иллатлари ҳар доим ҳам яққол намён бўлавермайди. Аммо майда-чуйда ва иқир-чиқирлар бўлиб кўринган масалалар келажак авлод тарбиясида чуқур ва салбий из қолдириши аниқ. Шу боис фарзандларимизни ҳамisha хушёрлик билан миллий қадриятларимиз асосида тарбиялашимиз салбий оқибатларнинг олдини олади. "Оммавий маданият"нинг яширин қиёфасини англашда уларга ёрдам беради.

HAYRATLARGA SOLSIN BOLALARNI

SHE'R



Nemmat DUSHAEV, bolalar shoiri

Qaysi bolaning erak eshitgisi kelmaydi deysiz, qaysi jajji o'g'il-qiz bir-ikki qator quvnoq she'r aytasangiz, sizga yalt etib qaramaydi?

Yaqinda Angren shahridagi 25-maktabga uchrashuvga taklif etishdi. Bordik, qatnashdik. Boshlang'ich sinf

o'quvchilari mening quvnoq she'rlarimni zavq bilan shunaqangi maromiga yetkazib, yoddan o'qishdiki, to'g'risi, o'z ijodimga o'zining ixlosim ortdi, keyingi vaqtlarda ular uchun durustroq yozmay qo'yganimdan uyalib ketdim.

Ha, bolalarga she'r kerak, ularning qiziqishini, xarakterini, orzularini ko'rsatib beradigan quvnoq, hayratga soladigan she'rlar kerak. Ularga o'qishda, aytishda qiynalmaydigan, aksincha bir deganda yodlab olsa bo'ladigan soddaravon tilda yozilgan she'rlar kerak. Bolalar qancha ko'p she'r yodlarsa, xotirasi kuchli bo'ladi, nutqi o'sadi, aktyorlik qobiliyati ham rivojlanadi deyishadi. Bu ayni haqiqat!

Afsuski, bolaligimda ko'p o'qiyolmaganman. Otadan juda erta yetim qoldim. Onam sho'rlik biz to'qqiz bolani boqib, katta qilaman, deb bozordan beri kelmasdi. Ammo xat-savodi bo'lmasada, xalq og'zaki ijodidagi g'aroyib she'rlarni bilar va erinmay o'rgatar edi. Sho'rtabiat ayol edi onam. Ko'cha-ko'ya, odamlar orasida gapini she'rga, maqolga o'xshatib

aytib, hammani kuldirib yurardi, rahmatli. "Maqolchi xola" degan nomi bor edi. Men maktabda onam o'rgatgan she'rlarni aytib, obro' orttirib yurardim.

Birinchi she'rim 1980-yilda "Gulxan" jurnalida bosilgan. Bu paytda kamina maktabni allaqachon bitirib, nima qilishni bilmay, boshim qotib yurgan davrlar edi. Ijodni ancha oldin boshlaganman. She'riyatga qiziqardim, ammo she'r yozishim mumkinligini bilmasdim. Tavakkal qilib, "Gulxan"ga bir-ikki she'rinni jo'natdim. Ko'p o'tmay o'z ustingizda ko'proq ishlang degan mazmunda javob keldi. Shu-shu hozirgacha o'z ustimda ishlab, ijod qilib kelmoqdaman.

Bolaligimda o'zbek xalq ertaklariga maftun edim. "Tog'da o'sgan bola" qissasidagi Ortiqboyni ayanchli taqdiri esa meni yig'latgan, Afrika xalq ertaklaridagi "Alyor Aleuning sarguzashtlari" xayolimi tamoman rom etgan, Chingiz Aytmatovning "Sohil bo'ylab chopayotgan olapar" qissasidagi ajabovur voqealar yuragimni larzaga solgan.

Bugungi bolalarga qaysi kitoblarni tavsiya etish mumkin? Bu savolni shahrimiz o'qituvchilariga berib ko'rdim. Afsuski, deyarli aniq javob yo'q. Chunki kitoblar ko'p, tanlash ham oson emas. Bu borada bitta yaxshi yo'l bor, ya'ni o'zingga yoqqan narsangina boshqalarga ravo



O'QISH SHART BO'LGAN 10 KITOB

- Oybek – "Bolalik xotiralirim"
- G'afur G'ulom – "Shum bola"
- Abdulla Qahhor – "O'tmishdan ertaklar"
- Chingiz Aytmatov – "Oq kema", "Sohil bo'ylab chopayotgan olapar" qissalari
- Xudoyberdi To'xtaboev – "Sariq devni minib"
- Oqiljon Husanov – "Tog'da o'sgan bola" qissasi
- Tursunboy Adashboev she'rlari
- Anvar Obidjon she'rlari
- O'zbek xalq ertaklari
- Orif To'xtash she'rlari

ko'r degan.

Sababi ular ijodi chinakam she'riyatga yaqin, shaklan ham mazmunan yangiliklari bor, yosh o'quvchini bugungi fan-texnika yangiliklari qatori hayratlantira oladi.

SEVINAMIZ

Sevinamiz bayramlar kelsa,
Yurtida bo'lsa to'y va tantana.
Baxtni kuylab qo'shiq aytamiz,
Yangi she'rlar yodlaymiz yana.

Maktab bizning bilim konimiz,
Kitobimiz mo'jiza go'yo.
Muallimdan eshitib saboq,
Sevinamiz anglasak dunyo.

Humo qushi yurt bayrog'ida
O'ziga xos chiroyli ramz.
Biz ham yurtga gul-chechak bo'lib,
Sevinamiz, tegsa foydamiz.

Sevinamiz, qahramonlarga
Peshvoz chiqsak, gullar tutolsak.
Sevinamiz yurt ishi uchun
Biz ham tezda ulg'ayib qolsak.

CHAQALOQ

Beshkida uxlayverssa,
Yolg'iz zerikib ketdim.
Uyg'otsam yig'layverdi,
Rosa ezilib ketdim.

QUTLUG' BO'LSIN

Qani, Nargiz,
G'oz-g'oz tur.
– Balli!
Mana bunday
Oz-oz yur.
– Balli!

Endi yetar,
Ol damping.
– Nargiz,
Qutlug' bo'lsin
Qadaming.
– Nargiz.

ISSIQXONA

Tashqarida qor, ayoz,
Och bo'riday uvlaydi.
Ichkarida xuddi yoz,
Pamidorlar gullaydi.

Tashqarida bolalar
Otar shodon yaxmalak.
Bu yerda tugib yotar
Bodringlar otib palak.

Tashqarida oqqan suv
Kechga borib muzlaydi.
Ichkarida kapalak
Gul aro vizillaydi.

Tashqarida qahraton –
Qish hukmini o'tkazar.
Ichkarida parcha yer
Elga ne'mat tutqazar.

Ha, bu yurt ko'p ajoyib,
To'rt faslga egadir.
Dehqon bobo qishda ham
Bekor yotmas negadir.

Tashqarida qor, ayoz,
Ichkari issiq xona.
Yam-yashildir parcha yer,
Judayam qiziq xona.

Yozda dalalar ishlab,
Qor ostida qishlaydi.
Issiqxona qishda ham
El-yurt uchun ishlaydi.

MOMAQALDIROQ

Zab cho'chitib yubording,
Obbo, momaqaldiroq,
Shuncha darding bor ekan,
Aytmaysanmi oldinroq?

Yoz bo'yi yo'qlamading,
Qayga bo'lganding g'oyib?
Yomg'irni ho'p kutishdi
Qir-adirlar sarg'ayib.

FALSAFA

It mushukni ko'rgan dam
Yeb qo'ygudek tashlandi.
Adovat bor ming yillik,
Qaydam, ko'ngli g'ashlandi.

Mushuk esa erta-kech
Kun bermasdi sichqonga.
Sichqonvoy ko'z tikadi
Omborda bug'doy-donga.

Bu hayot – kurash derlar,
Umr qorishiq jangga.
Alam qilar, kun bermasa
Har kim kuchi yetganga.

ZAMONAVIY QUSH

– Qaysi qushni yoqtirasan,
Bulbulmi yo bedana?
– Unisiyam, bunisiyammas,
Jim bo'lg'in, mahmadona.

Shunday deb koyib berdi
Necha oyki qiynalib
Chet tilin o'rganayotgan
Ukasini Mirg'olib.

Keyin biroz yumshadi,
O'ylab uka dilini.
– Mayna, – dedi, – u bilar,
Juda ko'p chet tilini.

TORTINCHOQLAR

Qo'shni uyga
Xol, G'ani
Chiqishsa
O'ynagan.

– Qorinlaring
Ochgandir,

Deb qaymoq tutdi
Kampir.

– O'tirmanglar
Tortinib,
Yenglar nonni
Botirib.

– Rahmat, to'qdir
Qormimiz.
Boya yedik
Qorni biz.

QORBOBO

Quloq soling, Qorbobo,
Sizga bitta savol bor.
Nima uchun juda oz
Bizga keltiryapsiz qor?

Sizda nima kamchilik,
Ayting, nimaga zorsiz.
Nega Yangi yilni biz
Kutib olamiz zorsiz?

Sizga katta iltimos,
Ayoq otin yeldiring.
Bizga sovg'a o'rmiga
Faqat ko'p qor keltiring.

Qishda qorsiz dalalar
Ko'zga baram xunukki...
Halto a'lochilar ham
Olishayapti ikki.

MOMAQAYMOQQA

Dala-qirlarga chiroy
Baxsh etgan sensan.
Go'zallikni olamga
Naqsh etgan sensan.

Ushbu ezgu ishingdan
Kimlardir kuldi.
Shamol esa sochingni
Uyalmay yuldi.

“Kuching yetmasa, tosh bilan ur..”

ba'zi otalarning o'g'liga o'rgatgani



Кўчага уйнагани чиқиб кетган Жавоҳир кўп ўтмай уйга йиғлаб кирди.

— Нима бўлди, нега йиғлаяпсан? — деди унга пешвоз чиққан дадаси.

— Акмал урди, — деди Жавоҳир ҳиққиллаб.

— Вой латта, сен ҳали ўша жимжилоқдек боладан калтак едингми? Агар яна бир марта кўчадан калтак еб, йиғлаб келсанг, ўзингни ураман. Ҳеч кимдан кўрқма, агар бирортасига кучинг етмаса, тош ёки темир билан сол.

Бу бугунги айрим “замонавий оталар”нинг ўғлига бераётган йўриги. Мана шундай маслаҳатга қулоқ тутиб, амал қилиб яшаётган ўсмир йигитлар бугун ўзларининг иродасига, йигитлик кучига, сўзига эмас, чўнтагидаги пичоқ, бигиз каби буюмларга ишониб юрибди.

УЧ КИШИ БИР КИШИГА ҚАРШИ

Ана шундай пичоқбозлик оқибатида эркин кураш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, 25 ёшли Жамшид Кенжаев, аралаш жанг санъати жангчиси, халқаро мусобақалар ғолиби Отабек Алиев ҳаётдан эрта кўз юмди. Жорий йилнинг 19 январь куни Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги “Намозғоҳ”

профилактик бўлими бошлиғи, майор Абдурашид Очиловнинг таъкидлашича, ёшлар ўртасида пичоқбозлик ҳолатларининг содир этилишига, асосан, ижтимоий тармоқлар сабаб бўлмоқда. Шу боис жорий йилдан бошлаб таълим муассасаларида ёшлар билан ишлаш учун 141 нафар ички ишлар ходими бириктирилган.

— Ўқув йили бошида таълим муассасаларида текширувлар ўтказганимизда ўсмирлар ёнидан ўткир тигли жисмлар топилди, — дейди А.Очилов. — Бунга телезкан орқали намойиш этилаётган сериаллар, (айниқса, турк сериаллари) интернет тармоқлари орқали тарқалаётган жангари фильмлар сабаб бўлмоқда. Мисол учун: “Sevimli” телеканали орқали “Чуқур” номли турк сериали берилган вақтда ёшларни кузатдим. Улар ўртасида билаларига турли расмлар чизиб, соқол ўстириш урф бўлди. Сериаллар болаларимизни кечиримлилик, бир-бирини тушунишга эмас, қасос, ўч олишга ўргатмоқда. Бола қўлиги билан эшитгани эмас, кўзи билан кўрганини ҳаётга татбиқ этгиси келади. Компьютер хоналаридаги ўйинларнинг аксариятида пичоқ билан ўлдириш сахналари

кўриб дарс тайёрлайди, телефон уйнаб овқатланади. Бола турли саволлар билан бошини қотирмаса, чалғитмаса бўлди - ота-она шунга хурсанд. Бола ўз олами билан, ота-она ўз тириқчилиги билан овора. Болам сен мени тинчимни бузма, мен сенга индамайман, деган ҳолат келиб чиқмаяптими?

НЕГА ОТАНИНГ ЎРНИ ЙЎҚ?

Психологларнинг фикрича, бола 3 ёшгача бўлган даврида зарур маълумоти ота-онасидан ўзлаштиради экан. Ота-онанинг ҳаёт тарзи, характери қандай бўлса, бола уларга тақлид қилади. Оилада отанинг ўрни йўқлиги, фарзандлар муаммосини оналар ўзлари ҳал этиши, болани бирор хунар ёки спорт тўғрисида банд қилинмагани каби масалалар ўсмир йигитларни кўрқоқ, ўзига ишонсиз бўлиб вояга етишига сабаб бўлмоқда. Бирор таниши билан тортишиб қолган бола ўзр сўраш,

солди. 2018 йилнинг 12 август куни Жалақудуқ тумани, “Ибрат” маҳалласида яшовчи 26-умумтаълим мактаби 11-синф ўқувчиси Дўстмуҳаммад Мирзаев ушбу мактабнинг 10-синф ўқувчиси Курбонбек Мамасиддиқов билан ўзаро жанжаллашиб, ёнидаги пичоқ билан унинг 31 жойига тан жароҳати етказди.

— Икки ўсмир ўртасида олдиндан низо бўлган. Синф раҳбарлари бу ҳақда билган, ammo болаларни тартибга чақириб, яраштириб қўйишга ҳаракат қилмаган, — дейди “Ибрат” маҳалласи раиси Маматрайим Мирарапов. — Йигин раислигига сайланганимга кўп бўлгани йўқ. Энг биринчи ишни ушбу ўсмирларнинг ота-оналари билан суҳбатдан бошладим.

Андижонда бугунги кунда 1.723 (бир миллион етти юз йигирма уч минг) нафар 30 ёшгача бўлган ёшлар яшайди. Шундан 776435 14 ёшгача, 946852 нафари 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлардир. Ёшлар ўртасида содир этилган жиноятлар ИИБ ходимлари томонидан кенг жамоатчилик, маҳалла вакиллари ўртасида муҳокама қилинмоқда. Йигилишларда айнан жиноят содир этилган маҳалладан иштирақ этган ҳаёт тажрибасига эга ёши улғур инсонлар бу ҳолатга ўзларининг муносабатларини очиб-ойдин билдириб ўтишмоқда. Ўтказилган муҳокамаларда аслида келишув билан ҳал қилиш мумкин бўлган бу каби қўнғилсизликларнинг содир этилаётганлиги маҳалла, жамоатчилик учун номуносиб ҳолат эканлиги айтилмоқда.

ҚАНДАЙ ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА?

Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, Андижон вилояти ИИБ пост патруль хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси ходимлари ота-оналар ва ёшлар ўртасида тигли жисмларни олиб юриш ва сақлаш масаласи борасида тарғибот олиб боришмоқда. Мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг кириш йўлақларига видеокузатув камералари ўрнатилди. Ички ишлар ходимларининг навбатчи қисми томонидан мактабга кириб келаётган ўқувчининг сумка ҳамда чўнтақлари текширилмоқда. 2018 йилнинг октябрь ойидан бошлаб, юқори синф ўқувчиларини дарс вақтида мактаб директорининг розилигисиз худуддан ташқарига чиқишлари маън этилди.

Фарзанд тарбияси барчамизнинг оғриқли нуқтами. Бир болага етти маҳалла ота-она деган мақолни яна ҳаётимизга татбиқ этайлик. Кўча-кўйда, жамоат транспортда юрганимизда бировнинг боласи-ку, менга нима деган қарашлардан йироқ бўлсак, фарзандларимизни хато қилишдан асраймиз. Ўзимиз эса ҳаётимизни хотиржамликда ўтказамиз.

Нигора РАҲМОНОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири

oilavajamiyat@mail.ru



маҳалласининг Гулистон кўчасида яшовчи вояга етмаган бола пичоқланган...

Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармасидан олинган хабарларга кўра, жорий йилнинг 19 январь куни Мирзо Улугбек туманида олти йигит босқинчилик учун қўлга олинган. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизмати маълум қилишича 18 январь куни Наманган вилояти Норин туманидаги “Кўргонча” маҳалла фуқаролар йиғини худудидagi балиқхонада бир гуруҳ йигитлар ўртасида муштлашув бўлиб ўтган. Уч ўспирин йигит ўз тенгдошини аёвсиз калтаклаган.

ЖАНГАРИ ФИЛЬМЛАР САБАБ БЎЛМОҚДА

Ҳўш, ёшлар ўртасида пичоқбозлик ҳолатларининг ортисига нима сабаб бўлмоқда? Босқинчилик ва муштлашувларга-чи?

Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар

бор. Бола ҳар куни вертуал оламда бўлаверганидан сўнг ўша оламда яшагиси ва қахрамонларга ўхшагиси келади. Германияда ота-оналар фарзандига ҳар куни 10 дақиқа телевизор кўришга рухсат беради экан. Бизда-чи, мактаб ўқувчисидан бирор сериалнинг сюжети ҳақида сўрасангиз, адашмай айтиб беради.

СЕРИАЛ КЎРИБ ДАРС ТАЙЁРЛАЙДИ, ТЕЛЕФОН ЙЎНАБ ОВҚАТЛАНАДИ

37 йилдан буён Ўрта Чирчиқ туманидаги 16-умумтаълим мактабида бошланғич синфларга дарс бериб келаётган Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси Хури Солиеванинг таъкидлашича, ота-она томонидан фарзандининг телевизор кўриши ва телефондан фойдаланишдаги вақтини назорат қилмаслигидан таълим-тарбияда салбий ўзгаришлар кузатилмоқда.

— Ҳозир истаган хонадонингизга кириб, эрталаб ёқилган телевизор тун ярмигача ўчмаслигига гувоҳ бўласиз, — дейди Ҳ. Солиева. — Бола сериал

хатосини тушуниш ўрнига пичоққа ёпишмоқда. Бу улар учун химоя воситасига айланиб қолмоқда.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 301 умумтаълим мактаби, 35 олий ўқув юрти, 41 академик лицей ва 70 касб-хунар коллежи бор. Кузатувларга кўра, мазкур таълим муассасаларидаги ёшлар айнан ўқув йили бошида ўзларига гуруҳ тузиш, таълим муассасасидаги худудни бўлиб олиш ишлари билан машғул бўлишар экан. Пойтахтнинг турли худудларидан келган ўқувчилар ота-она назоратисиз ўзига хон, ўзига бек бўлишга интилади. Ўзини химоя қилишга кучи етмагач, ўткир тигли жисмини ишга солади. Шу сабаб ёшлар ўртасида пичоқбозлик, бир-бирига таъовуз қилиш ҳолатлари ўқув йили бошида кўпроқ содир этилиши кузатилади.

“ИБРАТ”ДАГИ ИБРАТСИЗ ХОЛАТ

Вояга етмаган ёшлар ўртасида. 2018 йилда Андижон вилоятида 62 жиноят содир этилгани кўпчилиكنи ташвишга

Bolaga achchiq qilmang...



Бундан анча йиллар илгари тузатиб бўлмас хатога йўл қўйганман. Мана, ўн икки йилдирки ўйламай қилган ишимнинг азобини тортяпман. Ўша воқеанинг жабрдийдаси Гулсевар қизим яқинда ўн олти ёшга тўлади. Ҳар сафар унинг кўзларига қараганимда, юрагим симиллайди. Қизимнинг бўйи етиб қолди, аммо келгусида ҳаёти қандай кечишини билмайман.

Ўша пайтларда қайнонам билан бирга яшардик. Ёш ва қизиққон эдим. Қайнонам рўзгор ишларини ўргатмоқчи бўлиб насиҳат қилса: "Қилдан қийиқ қидириб, жанжал чиқармоқчи", деб ўйлардим. Бугун ёшим қирқдан ўтгач, турмушнинг паст-баландини тушунганимда, ўйласам, қайнонам ўз ишига пухта, пазанда аёл бўлган экан. Шу боис унга палап-тартиш, шошқалоқлик билан қилинган ишлар ёқмаган экан.

Уйимдагилар мени мактабни тасомлашим билан турмушга узатиб юборишган эди. Қайнонам камчиликларини айтса, осмонга салчиб кетаверган бўлсам керакики, уйимизда тез-тез жанжал чиқиб турарди.

– Нега ҳамма ишимдан айб топаверасиз, бошқа келинларга ўхшаб хизматингизни қиялпман-ку, яна нима истайсиз, – дердим асабийлашиб.

– Рўзгор ишига янаям пишиқроқ бўлинг-да, бу аҳволда ҳадемай рўзгорингизни бўлак-бўлак қўйсам, маҳаллага масҳара бўласиз-ку, – деб гап билан "узиб" оларди қайнонам.

"Қайнона-келин нега бир-бирига душман қилиб яратилган экан", деб ўйлардим. Уйимдагиларни қойил қолдиришга қанча уринмай, ишим чаппасига кетарди. Асабийлашганимдан овқатни гоҳида шўр қилиб қўйсам, баъзан хамирга туз солишни унутардим.

Уйда мен тенги, бўй етган қайнсинглим ҳам бор эди. Аммо супир-сидир, кир-чирга сира ҳам қарашмасди. Кир ювиб, нон ёпаётганимда уйда телевизор кўриб ўтирарди. Бундан икки ҳисса асабий-

лашардим. Шундай кезларда ўзимни келин бўлиб тушган уйимнинг хизматкоридек ҳис қилардим.

Шу тариқа катта қизим Гулсевар туғилди. У икки ёшдан ошмай туриб, ўғлим Азиз дунёга келди. Икки боланинг инжиқликлари, рўзгордаги юмушлар мени шу қадар чарчатардики, баъзан уйдан қочиб кетгим келарди. Қайнонам билан қайнсинглим эса ўша-ўша, менга совуқ муомалада эди.

Бугун ўйлаб кўрсам, ўша пайтларда қайнонамнинг насиҳатларини тўғри қабул қилмабман. "Нега жанжал учун баҳона қидираверади", деб ўйлабману, бу уйдагиларга меҳр қўймабман. Ҳозирги ақлим ўша пайтларда бўлганда эди, қайнонамнинг ҳар бир сўзини тарозига солиб кўрардим. Насиҳатларига амал қилардим...

Қайнсинглимни узатганимиздан кейин, уйдаги юмушлар ўнчандон ошди. Қайнсинглим сигир-бузоқларни, томорқа ишларини эплаб турган экан. Буни тўй ўтгандан кейин тушундим. Мен бўлсам ош-овқатга қарашмаяпти, деб қайнсинглимга ачиқ-чучук гаплар айтиб, зарда қилиб улгургандим. Шу сабаб у билан орамиз анча совуқлашиб қолганди. Қайнонам мени хушламай қолганига ҳам балки, ёлғизгина қизига яхши муомала қилмаганим сабаб бўлгандир...

Бир куни эрталабдан нон ёпиб, кир ювдим. Ҳовлидаги супир-сидирларни саранжомладим. Тушга яқинлашганда жуда чарчаб, ҳолдан тойдим.

Шу пайт қайнсинглим кириб келди. Қайнонам қизини кўриб, севиниб кет-

ди. Менинг эса елкамдаги юким янада оғирлашгандай бўлди. Ахир меҳмонга бир-рорта таом пишириш керак эди-да. Қайнсинглим билан хушламайгина кўришдим. Да-стурхон ёзиб, чой қўйдим.

– Нафиса, ўтиринг ўзингиз ҳам чой ичиб олинг, бугун анчагина чарчадингиз, – деди қайнонам. – Кейин Зулфия билан бирорта овқатга уннарсилар...

– Сизлар ичаверинглар, мен овқатнинг ҳаракатини қилай, – дедим, қовоғимни осилтириб.

– Қўйинг, овора бўлманг келинойи, келинг, биз билан ўтиринг, – деб ёнидан жой кўрсатди қайнсинглим. Мен ҳеч нарса демай, ошхонага бурилдим. Шу пайтда она-бола кўзимга балодай кўринаяётганди.

Ошхонага кириб, қозонни газга қўйишим билан ортимдан ўғлим кириб келди.

– Ойи, сув ичаман, – деди у кўлчаларини чўзиб.

– Бор-е, ўйнаб тур, – деб ўғлимни нари сурдим.

У хархашасини қўймай этагимга ёпишди. Бу вақтда Гулсевар қизим, бувиси билан аммасининг ёнида эди.

– Гулсевар! Укангга қара! – дедим дераза оша, ташқарига юзланиб.

– Гулсевар!!! – деб қичқирдим. Қизим чўчиб мен томонга юзланди-ю, аммо дарров ёнимга чопиб келмади. "Аммангга ўхшамай ўлгур", деб ўйларканман, асабийлашганимдан кўлларим титраб кетди.

– Нега чақирганда келмайсан, ҳайвон!! – дея бақирдим-у, мен тарафга юзланган қизимга олдим-да турган санчқини отиб юбордим...

– Бор, Зулфия, болани олиб тургин, келинойинг бугун жуда чарчади, – деди қайнонам қайнсинглимга.

– Ҳозир шу овқат шарт эмасди, ойи, ўзи кейинги пайтларда ҳеч нарса егим келмаяпти, – деб норози тўнғиллади Зулфия. Шу гап юрагимни тилиб ўтди.

– Гулсевар!!! – деб қичқирдим. Қизим чўчиб мен томонга юзланди-ю, аммо дарров ёнимга чопиб келмади. "Аммангга ўхшамай ўлгур", деб ўйларканман, асабийлашганимдан кўлларим титраб кетди.

– Нега чақирганда келмайсан, ҳайвон!! – дея бақирдим-у, мен тарафга юзланган қизимга олдим-да турган санчқини отиб юбордим...

Гулсевар чинқириб йиғлаб қолди. Хушимни йиғиб ташқарига отилдим. Чиққанимда боламнинг кўзидан қон оқаётганди. Зулфия "Тез ёрдам"га кўнғироқ қилди. Қайнонам калишини ҳам киймай, машинаси бор қўшининг уйига югурди. Қизим касалхонага етиб боргунча оғриқдан хушини йўқотди.

Врачлар югуриб-елиб кўлларидан келганча ҳаракат қилишди. Аммо Гулсеварнинг кўзига зарб билан теккан санчқи кўз гавҳарига шикаст етказиб бўлган экан...

Ўз кўлим билан боламини битта кўзидан жудо қилганим... Дадаси иккимиз қанчалик қуюнмайлик энди қизимнинг кўзини жойига қайтара олмасдик. Қизимни операция қилиб, шиша қорачиқ қўйиб беришди.

Мана ўн икки йилдирки, "ўша куни нега қайнонам билан қайнсинглимга ачиқ қилдим, нега аламимни боламдан олмоқчи бўлдим", деб ўзимни тинимсиз қойиб яшайпман. Аммо фойдаси йўқ...

Қизимнинг бўйи етгани сайин, кўзларига тик қарай олмаяпман. Турмушга узатадиган вақтимиз ҳам яқинлашяпти. Қизим рўзгор ишига пишиқ-пухта бўлиб ўсди. Аммо нуқсонли бўлиб қолди... Шу ўкинч юрагимни кемиради. Эҳтимол Гулсеварнинг ўзи ҳам ич-ичидан сиқилса керак, лекин билдирмасликка ҳаракат қилади.

Газета ўқувчиларига бу воқеани хикоя қилишимдан мақсад, ёш оналар ва келинларга бир гапни айтмоқчи эдим: Қайнона-қайнсингллар ҳар доим ҳам ёмон бўлавермайди. Баъзида келинларнинг ўзи ўз тасаввурлари билан улардан "ёмон хотин" ясаб олишади-да, ўзларига ўзлари зулм қилиб, улар билан олишаверишади. Ҳаётини тажрибамдан билдимки, келин бўлиб тушган хонадонига меҳр қўйган, атрофидагиларни тушунишга ҳаракат қилганларгина иззат-икромли аёллик мақомига эришар экан.

Айниқса, бировдан ачиққланиб, болангизга захрингизни соча кўрманг, акс ҳолда менга ўхшаб бир умр, азоб-да яшашингизга тўғри келади...

Ҳамроҳон МУСУРМОҶОВА


FARZANDINGIZNING QANRAMONI KIM?!

Бугун хусусий ва давлат телеканаллари орқали намойиш этилаётган турк сериаллари ижтимоий тармоқларда кескин муҳокама қилинмоқда. Ҳар ким ўз дунёқарашидан келиб чиқиб, мулоҳаза билдирмоқда. Ҳар ким ўзича ҳақ.

Тан олиш керак, бизнинг авлод Мексика ва Корея сериалларига термулиб улғайди. "Уша сериаллар бизнинг тарбиямизга салбий таъсир қилмаган. Мана, бинойидек яшаб юрибмиз-ку", дедиганлар кам эмас. Айримлар оила муҳити, тарбия ва шу каби бошқа омиллар хориж сериалларидан етадиган маънавий зарарни бир оз юмшатади, деб ҳисоблайди. Бироқ, бугун бизнинг даврдагидек бегона эркак тугул, узокроқ қариндошига дуч келганида рўмоли билан юзини ёпадиган момолар, дарвозадан ичкарига кираётганда аёлларни огоҳ қилиш учун томоқ қирадиган боболар бормикан?! Бугуннинг оталари хорижда ишлаяпти, боболар киракашлик қилади, уйда ўтирганиям аллақачон

аёлларга қўшилиб сериал кўради. Бугуннинг бувилари гўзаллик салонларига бориб сочини турмаклатиб, тирногини бўятиб, гап-гаштақдан ортмайди. Гап-гаштақдан бўшаганлари ҳам телевизорга боғланиб қолган.

Хуллас, демоқчи бўлганим, болангиздан "Сенинг қаҳрамонинг ким?" деб сўраганмисиз? Мен айна мавзуда бешинчи синф ўқувчиларидан ижодий иншо олдим. Ўқувчиларимнинг сезимли қаҳрамонлари сериаллар персонажлари эканини билиб ҳангу манг бўлиб қолдим. Тоҳир Калели, Нафас, Йигит, Амир Козжу ўғли, Ниҳон, Камол ва ҳоказоларнинг номини ўқиб, ТИЛИМИ тишладим. Ким айбдор? Ҳаммамиз ёппасига телеканаллари айблаймиз. Балки улар ҳам қисман айбдордир. Ле-



кин асосий айбдор ўзимиз – ота-оналар эмасмизми? Фарзандимиз билан дарс тайёрлаш, китоб ўқиш, китоб қаҳрамонлари ҳақида гаплашиш ўрнига узуккун телевизорга мўлтираганимиз етмагандай, кечкурун ҳам сериал томоша қиламиз. Ёнгинамизда эса болаларимиз бизга қўшилиб сериал қаҳрамонлари билан бирга яшаяпти. Болангиз Амирни, Тоҳирни, Ниҳонни қаҳрамон деб билса, сиз ўзингиздан ўпқаланг, муҳтарам ота-она! Фарзандингиз учун ҳавас қиларли қаҳрамон бўлмаётганингиздан хафа бўлинг. Дилбандингиз сизга эмас, алалкимлар пул учун ўйлаб топганаслида йўқ одамларгаталипини бўсаётганидан ўқининг! Юрагингиз зирқирасин, кўнглингиз увишсин, болангиз ўрнакни сиздан эмас, сериал қаҳрамонлариданоляпти...

Манзура Раҳимова, ўқитувчи

Нуротанинг Синтоб қишлоғида яшаган Ҳосилбойнинг мурувват эшиги ҳамиша очик экан. У кўп хайрли ишларга қўл урар, аммо мол-дунёси асло камаймас, аксинча, Худо давлатига барака ато этаркан.

BOY

Икки-уч ҳафта де-ганда Орзигул момо бош-қош бўлган савобли иш битибди. Мустаҳкам кўприк! "Хотун кўприк" деб ном берибдилар кўприкка.

Тоғли Синтобда сойлар кўп. Яна ҳар қадамда – бир жарлик. Айниқса, Синтобнинг Сафарали гузарига халқ кўприк йўқлигидан қийналаркан. Ёрдам сўраб борган оқсоқолга:
– Хўп, битта кўприк мендан, – дебди бой. – Ёғочни қаердан топамиз?
– Орзигул кампир ҳовлисидан ўндан ошиқ етилган терак бор. Сотилармикин?
– Сотайди. Айтган пулини бераман. Ҳозирок бориб у билан гаплашаман.
– Барака топинг, бой!
Ҳосилбой кампирнинг уйига борибди.
– Терак керак. Кўприкка. Савоби сизга ҳам тегади.
– Нечтасини оласиз? – сўрабди кампир.
– Ҳаммасини.
– Ҳаммасини? Биласизми, ҳаммаси... қанча бўлади?
– Бунинг аҳамияти йўқ. Ҳосилнинг бир қоп пули бор, – бой кулимсирабди. Кампир ҳам мийиғида кулиб қўйибди-да:
– Шундоқми? Пулингиз керакмас!
– дебди.
– Нима?
– Бир тилак, бир... илтмосим бор. Сўрайверайми?
Бой ўйланиб қолибди. "Тилагим... дедими? Нима сўрамоқчи?"
– Лекин айтиб қўяй: менда фақат пул бор, опа. Молу давлат.

– Яна?
– Яна... нима бўлиши мумкин?
– Яна бир нарсангиз бор, бой отам. Ҳамма бойлардаям бўлмаган бир бойлик.
Озгина берсангиз...
– Жоним билан бераман. Лекин... нима у?
Жилмайган қўйи:
– Саховат, – дебди кампир. – Сахийлиқдан... озгина! Қандай қилиб дейсизми? Пул бермасангиз – берганингиз шу!

...Ҳамма ҳашарга!
Орзигул кампирнинг уйидан бошланган хайрли тадбир Сафарали гузарига давом этибди. Безурриёд, зўрага ҳаёт кеңираётган муштипарнинг бир қоп уни бор экан:
– Нон ёпамиз, – дебди қўшни аёлларга. Биттагина эчкиси ҳам бор экан.
Сўйиб дошқозонга солибдилар. Ҳаммининг кайфияти чоғ экан – ҳашар байрамга улангандек. Ҳаммадан мамнун Орзигул кампирмиш – тўйи

бўлаётгандай!
Икки-уч ҳафта деганда Орзигул момо бош-қош бўлган савобли иш битибди. Мустаҳкам кўприк!
"Хотун кўприк" деб ном берибдилар кўприкка.
Момо тераклар учун Ҳосилбойдан бир сўм олмабди. Кўприкнинг "очиш маросими" куни дуога қўл очганга:
– Бойнинг не ниятда келишидан кўкси саховат қони эканини сездим. Ҳавасим кеп кетди! Озгина... сўраганим, ўзи билмаган ҳолда, бор хазинани берворди гўё. Мени ўзгартирворган Ҳосилбойдан миннатдорман. Менимас, уни дуо қилинг!
– Майли-ку, – дебди қишлоқ оксоқоли маъноли жилмайиб. – Тераклар кесилди, эчки кетди жойини топиб, нон қолмади, уёғи нима бўлади, хола?
– Уёғини мен гапириб берай, – сўзга қиқибди момонинг девордармиён қўшниси.
– Уч ака-ука маслаҳатлашиб соғин сигир олдик бозордан, – дебди кампирга юзланиб.
– Менгами?
– Ким соғайди, ким... қарайди, мол-хона йўқ, деб ташвиш қилманг. Ака-укалар бўйнига олади. Лекин бу ҳали ҳаммасимас. Манави ерда ўтирган йигирма етти азамат...
– Йигирма етти азамат орасида мен ҳам бораман, – унинг сўзини бўлибди кампирнинг ёнида ўтирган йигитча ва ёлборувчи оҳангда давом этибди:
– Ҳажга меням олиб боринг.
– Ҳажга? – Орзигул момо ҳайрон.
– Ўғилларингиз нияти шу. Бир ўзингизни қандай юборамиз? Сени олиб бораман деб айтинг, илтмос. Онажоним, олиб борасиз, а?
"Онажоним" сўзини биринчи бор эшитаётган бефарзанд... бир хил

бўлиб кетибди.
– Хўп, олиб бораман, – дебди йигитчанинг елкасидан кучиб.
Йигирма етти азаматнинг нияти жиддий экан. "Ҳожи қона" бўлибди Орзигул момо. Фахрланиб юрибди умрининг охиригача, "Синтобнинг энг бойи ўзимман, йигирма етти ўғлим бор", деб.

Муҳаммад ШОДИЙ

ЭЪЛОН
Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Исломобод 5-тор кўчаси 27-уйда яшовчи Махманисаева Мавлюда Дехқановнага тегишли бўлган, 20.06.2014 йилда берилган №3-1255 рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

Игамбердиева Анорга тегишли Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Самарқанд дарвоза Бешлола кўчаси 31-уйнинг № 209 сана 17.05.1955 йилда берилган кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

Тошкент шаҳар, Сергели 6-мавзеси, Янги Сергели кўчаси, 3-уй Автожамланма ҳудуди 12/4 қатар, 25-сонли савдо дўконининг Тошқулов Гофур Насирович ва Мисиров Комилбек Хакбердиевич ўртасида 31.05.2017 йилда Сергели туман 1-сонли давлат нотариал идораси томонидан тузилган, реестр рақами 2916 бўлган олдсотди шартномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

Ўзбекистон Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш Ассоциацияси жамоаси Ассоциациянинг Андижон вилояти бўлими раиси
Малоҳатхон Мирзаеванинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлиқ билдирди.



БУ ТАВСИЯЛАР СИЗ УЧУН!

Аёллар ўз жуфтани топишга қийналаётгани, зийрак, саришта, ақлли қизлар эркинлик эътиборидан четда қолаётгани ҳақида кўп эшитилмиш. Замонавий ҳаёт қиз-аёллар қиёфасидан назокат ариганини исботламақда. Аммо аёл ҳеч қачон аёллик латофатидан ўзи истаб олисмайди. Биз “эркакшода”, “дағал” дея нисбатлайдиган ҳар қандай серзарда, жаҳлдор аёл сурати ортида назокатга ошно қалб, мулойим, меҳрибон сийрат туради. Ҳаётдаги омадсиз муносабатлар, аёлни курашишга мажбур қиладиган ҳолатлар ундаги аёллик нафосатини сийратидан қувиб юборади.

Sevimli, qadrlı, munisa ayol bo'lishni istaysizmi?

ҚУЙДА АЁЛЛИК НАЗОКАТИНИ ЎЛДИРАДИГАН ҲОЛАТЛАРНИ САНАБ ЎТМАМIZ.

1. Югур-югурдан чарчаслик. Аёл ҳаддан ортиқ ҳаракатчан, бўлар-бўлмасга масъулиятни зиммасига оладиган тиришқоқ бўлса, бу ҳолат кейинчалик уни аёллик нафосатидан маҳрум қиладди. Аёлга хос масъулиятни ҳис қилган яхши, аммо бу ўзини ўтга-чўққа уриш дегани эмас. Ҳар нарсага ўзини қурбон қилиш ва аёллик бахтини ҳис қилиш бир-бирига бегона ҳолатлар.

2. Ҳаддан ортиқ ижтимоий фаоллик. Иш, касбий фаолият аёлнинг бутун вақтини банд этиши яхши эмас. Бу ҳолатда, аввало, аёл ўзини севишни, қадрлашни унутади. Ўзини аямаган инсонни бошқалар қандай авайласин? Аёл ҳар қанча ақлли, меҳнатсевар, доно, заковатли бўлмасин, у аёллигини, аёл киши фақат эркак меҳридан бахт топиб, оила ва болалар даврасида саодатга эришишини унутмаслиги керак.

3. Янги танишув ва мулоқотлардан қочиш. Аксарият аёллар, айниқса, ишлайдиган қиз-аёллар ўзининг доирасидаги инсонлар билан мулоқотда бўлади, холос. Бу доирага ўз оиласи, яқинлари ва жамоадошлари қиради. Шу боис, бу тоифа аёллар эркакларга зерикардикдек туюлади. Эркаклар яқинларидан бошқалар билан мулоқот қилмайдиган аёлларни “Ўзидан бошқани севмайдиган худбидан” дея баҳолайдилар.

4. Иш. Иш ҳам аёллик нафосатидан маҳрум этадими? Қандай қилиб? Сизда шундай савол пайдо бўлганига шубҳам йўқ. Ҳа, айрим ҳолларда иш ҳам бизнинг назокатимизни сидириб ташлайди. Аёлларга эркаклардек уззукун ишда бўлиш машаққатли. Гарчи у аёлга хос касб бўлса ҳам. Чунки аёлнинг асосий вақти уйда

эмас, ишхонасида ўтади. Уй юмушларига кам вақт сарфлайди. Аёл уй-рўзгор, ошхона юмушларини адо этаётганида ўзининг аёллигини ҳис қиладди, гарчи толиқса ҳам бу ишлардан завқланади. Агар аёл кечкурун ишдан чарчаб келиб уй-рўзгор ишларини хушламаса, демак у аёллик назокатини унутибди. Бу тоифа қиз-аёлларни эркакларнинг кўрага кўзи бўлмайдди.

5. Шимлар. Бу энди эркаклар кийими! Шим кийишдан иложи борича чекинган маъқул. Агар гардеробингизда шим иккитадан кўп бўлса демак сиз, тунд, зерикарли, ўзига қарашни хушламайдиган аёл экансиз. Кийим жавони эркак учун ҳеч нарса бўлиши мумкин, лекин аёл учун у бутун бошли олам! Ташқи кўринишингизга қараб сизга таллинадилар, муомалангиз ва ақлингизга қараб сизни ҳурмат қиладилар. Бу ҳақиқатни ҳар доим ёдда тутинг.

6. Аёлга хос бўлмаган соч турмаги. Бу сочингиз калта ё узун бўлиши керак, дегани эмас. Шунчаки, узун-қисқалигига қарамай, сочларингиз ҳар доим ювилган, тоза, парварошланган ва ярашиқли турмакдан бўлиши керак. Калта ва қулай сочлар – бу эркакларнинг лугатидаги сўзлар.

7. Безаклар. Тақинчоқлар ёки турли аксессуарлардан дидсизлик билан фойдаланиш ҳам эркакларнинг ғашини келтиради. Эркаклар тақинчоғингизнинг сифати ёки қайси металлдан ишланганига аҳамият бермайди. Мухими, тақинчоғингиз олмос бўладими ёки оддий бижутерия – ўзингизга ярашсин ва кийимингизга мутаносиб бўлсин.

8. Ўзига эътибор бермаслик. Кундалик жисмоний зўриқиш, танага эътибор бермаслик гўзалликни ўлдирди.

9. Туйғуларни жиповлаш. Айрим аёллар мулоқотдан қочадилар.

Ҳис-туйғуларни мунтазам бошқаришга уринадилар. Бу охир-оқибат ҳиззакиликка олиб боради. Рисоладагидек аёл бўлиш учун одамларга фақат одобли кўриниш керак, деб ҳисоблайсизми? Фикрингиз тўғри, лекин ҳар доим ҳам эмас. Сиз атрофдагиларга жаҳлингизни кўрсатманг, лекин ҳеч ким бўлмаган жойда жиндек кўз ёши тўкиш ёки ичингиздаги ғуборларни тарқатиш учун бақариш ҳам яхши ёрдам беради.

10. Севимли машғулот билан шугулланмаслик. Ҳаммининг севимли машғулоти бўлади. Шунчаки, кўнгил учун шугулланадиган, бажарганда завқланадиган иш. Балки, сиз бу машғулот ортидан пул топмасиз, лекин севимли машғулотингиз сизга ички қониқиш, мамунлик

бағишлайди. Эркаклар аёлининг севимли машғулотини қўллаб-қувватлаши лозим. Масалан, аёл тикувчиликка қизиқса унга тикув машинаси олиб бериш керак. Дейлик, аёл рақса тушишни, шейпингни ё кароокеда кўшиқ айтишни яхши кўрса у билан кўнгил очар жойларга борган маъқул.

11. Ижодкорлик ҳиссидан беҳабарлик. Севимли машғулот ва ижодкорлик гўёки бир-бирига ўхшаш кўрунади. Аммо аслида бу иккалови бир-биридан фарқланади. Ижодий фаолиятсиз ҳаёт жуда зерикарли бўлади. Масалан, сиз тақинчоқлар ясашингиз мумкин ёки кўрпа-кўрпачалар қавишингиз, чиройли рўзгор анжомлари тиқишингиз мумкин. Бу билан ҳам ўзингиз яйрайсиз ва ҳам даромад топасиз. Ижодий фаолият турларини узок

17. Мустақил бўлиш. Мустақил, кучли, ўзини жиддий назорат қиладиган аёллар борган сари аёллик назокатидан мосуво бўладилар.

18. Мағрурлик. Аёлнинг “МЕН”и хароб қилади. Ҳар қандай ҳолатда “Мен ҳаммадан яхши, тез ва қониқарли бажараман!” деб ўйлайдиган аёл охир-оқибат ютқазади. Чунки гурури унга “Нега мени таҳқирлаганини кечирибди керак?!” “Нега мен хато қилдим?!” каби ибораларни ўргатади. Ва бу ҳолатда яна азият чекадиган ўзи бўлади.

19. Мавҳум келажакдан хавотир. Фаросатли аёл мавҳум келажакни ўйлаб ўзини сиқмайди, хавотирга тушиб ўзини қийнамайди. У ўзида бор нарсаларнинг қадрини билади ва мамун бўлади. Аёл ўзида йўқ нарса учун машаққат чекиб пул топишга уринганида аёлликдан айрилади. Чунки аёл ўзига пул сарфлаганида эмас, кимдир унинг учун харажат қилганида ҳақиқий аёллик бахтини ҳис қилиб, кераклигини англайди.

20. Жаҳл ва ғазаб. Жаҳл – дилсиёҳлик, кўнгил оғритиш, ношукрлик ҳисобланади. Жаҳл ўзига нисбатан қилинаётган муносабатни мулоҳаза қилиш ва уни ноҳақ санаш ёки ўзи кутганига терс муносабатга йўлиқишдан келиб чиқади. Ҳамма нарсани назорат қилиш ва қўлга олиш ҳуқуқи аёлга берилмаган. Шундай экан, туйғуларни назорат қилиб, эваз кутмай тўхфа этган маъқул.

21. Мажбурий – доимий ҳаёт тарзи. Аёл ҳар қандай ишга у хоҳ касбий фаолият бўлсин, хоҳ уй-рўзгор иши муҳаббат билан ёндашиши керак.

22. Ношукрлик. Ношукрлик, шикоятлардан қочиш керак. Чунки шикоят кимнидир айблашга мажбур қиладди. Аёл шикоятга ўргандими, у ўз ҳолатига эркакни айбдор қиладди. Ва ўзини эркакдан ақлли санаб, унга маслаҳатлар беради. Турган гапки бу эркакка ёқмайди.

23. Эркакларга хос спорт тури ва машғулотлар. Балиқ ови, баскетбол ва футбол аёлларга ярашмайди!

24. Дугоналардан узилиш. Аёлга аёллар билан кўпроқ муносабатда бўлиш ва дўстлашиш манфаатлидир.

25. Бўш вақтнинг йўқлиги. Аёл шунчаки ўзига ва аёлга хос-майда-чўдаларга ҳар доим вақт ва маблағ топа олиши шарт.

26. Барқарор уйку вақтига риоя қилмаслик. Кеч уйкуга ётсангиз кеч уйғонасиз. Аёл меъёрида ухлаб дам олиши учун етарли шароитлар бўлиши керак. Энг асосийси – уйку учун ётоқхона алоҳида бўлиши зарур.

Ҳар бир аёл гўзал хонимликка, асраб-авайлашни ва бахтиёр бўлишга муносиб! Бунинг учун аввало аёлларнинг ўзи ҳаракат қилиши керак. Гўзал бўлишнинг, ўзингизни қадрланг, авайланг, соғлигингизга эътиборли бўлинг, севимли машғулотингиз бўлсин, меҳнатсевар, ижодкор, пазанд, чевар бўлинг. Аммо ҳар қандай ҳолатда АЁЛЛИГИНГИЗИ унутманг! Ана шунда сизни севишди ва эъзозлашди!

Умида АДЖИЗОВА тайёрлади

Жаҳл – дилсиёҳлик, кўнгил оғритиш, ношукрлик ҳисобланади. Жаҳл ўзига нисбатан қилинаётган муносабатни мулоҳаза қилиш ва уни ноҳақ санаш ёки ўзи кутганига терс муносабатга йўлиқишдан келиб чиқади. Ҳамма нарсани назорат қилиш ва қўлга олиш ҳуқуқи аёлга берилмаган. Шундай экан, туйғуларни назорат қилиб, эваз кутмай тўхфа этган маъқул.



“Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали дирекцияси Буюртмасига кўра “Қадрият-фильм” масъулияти чекланган жамияти тасвирчи-режиссёри Маъруф Ҳасанов билан Сурхондарё вилоятига ижодий сафарга чиқдик. Мақсад 2019 йилнинг 5-10 апрел кунлари Термиз шаҳрида бўлиб ўтадиган “Халқаро бахшичилик санъати фестивали” олдида ҳужжатли фильм ва ижодий фотоасарлар яратиш, шунингдек, сурхондарёлик бахшиларнинг тайёргарлик жараёнлари билан халқимизни таништиришдан иборат эди.



SURXONNING SEHRLI OVOZI

ДОСТОНГА АЙЛАНГАН СУРХОНИМ

Сурхондарёга келдим-у, бахшичилик санъатининг асл моҳиятини тушунгандек бўлдим. Назаримда бундай саодатли диёрда яшаб, бахши бўлмасликнинг сира илжожи йўқдек эди. Сурхондарё – бахшилар макони. Бу ерга келган одам дostonлардан, халқ термаларидан тингламай кетмайди. Зеро, сайёҳларни бу диёрга тортаётган куч ҳам бахши дўмбрасининг сеҳрли садоси ва халқ дostonларидидаги сирсиноати бўлса ажаб эмас.

Сафаримизнинг илк куни Шеробод туманига йўл олдик. Тумандаги Калламозор қишлоғи атрофидаги кенгликларда Ўзбекистон халқ бахшилари Абдуназар Поёнов, Шодмон бахши Хўжамбердиев ҳамда уларнинг шогирдлари Шерали Эгамбердиев ва Самариддин Хўшбўқовлардан “Ал-помош” дostonидан парчалар, халқ термалари ва чорловлар ёзиб олдик.

Ойнаи жаҳон орқали бахшидан дoston эшитиш бошқа экан-у, поёнсиз қир адирларда, табиат кўйида дўмбира садосини сеп бўлиб тинглаш бошқа экан.

ШОШИБ КЕЛАР СУРХОНГА БАҲОР...

Барханлар оралаб кезар эканман, февралнинг илк кунларидаёқ қип-қизил кумлар орасида баҳорнинг илк нишонларини кўриб, худди эски қадрдонларни учратгандек қувониб кетдим. Сурхондарёда бодом аллақачон гулга кирган, қирлар кўм-кўк, кўзиўтлар, бойчечаклар очилган. Баҳорнинг саррин елларини эслатгувчи майин шабада кўнгилга завқ беради. Очиги, бу ердаги ҳар бир ҳолат менга эртанамо туюлар эди. Майсалар, ўт-ўланлар, қўйлар суруви, ён-атрофимизда биздан хуркмай бемалол донлаб юрган кабутарлар, кўёш тафтида товланиш учун кўм юзига чиққан жонзотлар ва энг муҳими, шу манзара ичра дoston куйлаётган бахшиларнинг ўзига хос сирли овози хаёлимни узоқ-узоқларга олиб қочар, қалбим эса

кўрганларимнинг барчасини тасвирларга муҳрлашга ундарди. Олам бунча сирли бўлмаса!

БАХШИ- ЛАРНИНГ МАКОНИ СУРХОН...

Ижодий сафаримизнинг иккинчи кунда музработлик Халқ бахшилари Расул бахши, Чори бахши, Қора бахши Умировлар, қизириқлик Муҳаммад Эшбоев ва унинг шогирди Ҳасан Мусаев, кумкўрғонлик Зулхумор бахши Шерназарова, “Бахшилар – 2018” кўриктанлови ғолиби шўрчилик Бахтиёр Ортиқов ижросида халқ дostonлари ва термаларидан парчалар тинглай-тинглай Сурхонга бўлган меҳримиз ошгандан-ошди. Маъруф Ҳасанов бахшиларнинг терма ва дostonларини видеотасвирга ёзиб олар, мен эса, ҳайрат билан суратга туширишда давом этардим. Бахшиларнинг ширали овозлари мени аллақачон сеҳрлаб қўйган эди.

Термиздаги Ал-Ҳаким Ат-Термизий бобо мақбарасига ки-

раверишдаги тарихий қалъа деворлари сақланиб қолган жойдаги чўл гиёҳларининг шамолда сирли гувиллаши, бахшиларнинг ички овозда маҳорат билан жўшиб куйлаши бизни узоқ ўтмишга, саёхатга ундарди. Ким биларди, неча юз йиллар олдин ҳам бу ерда бахшилар дostonлар куйлагандир...

Дўмбирани кўлга олиб чертайин,

Алломишдай дostonимдан айтайин.

Бахшиларнинг фестивали бошланди,

Ўзбекистон юрт ҳақида куйлайин, ҳайяраааа...

Бахшиларимиз дўмбирада куйлаши керак бўлган ушбу чорлов термаси менга ёд бўлиб бўлганди. Ушбу сатрларни хиргойи қилар эканман, қалбимда бахшичилик санъатига тобора меҳр ортиб бораётганини ҳис қилардим.

Ўзбекистон халқ бахшилари Шоберди Болтаев, Абдуназар Поёнов, Шодмон Хўжамбердиев, Расул Умиров, Қора Умиров,



Назира БОЙМУРОДОВА,
Ўзбекистон Бадий Ижодкорлар уюшмаси аъзоси, фоторассом

Чори Умиров, Хушбоқ Мардонкулов, Бахшикул Тоғаев, шунингдек, ёшлардан Илҳом Норов, Мамарасул Эшимов, Исмоил Анваров, Зулхумор Шерназарова, Содиқ Мардонкулов, Омондавлат Шерназаров, Ўрол Раҳимов, Муҳаммади Эшбоев, Сафар Шайдулов, Акрам Мамаражабов, Майсара Раҳимова, Рўзикул Болтаев, Бахтиёр Ортиқов, Равшан Маматмуродов, Шерали Эгамбердиев, Олим Аликулов, Қобил Муҳаммадиев, Шерали Жумаев, Панжи Тожиев, Абдураҳмон Абдуназаров каби юзга яқин истеъдодли бахшилар Сурхондарё вилоятида яшаб, ижод қилишмоқда.

Сафаримиз ниҳоясида Сурхондарё вилоят 22-болалар мусиқа, санъат ва бахшичилик мактабида ҳам бўлдик. Мактаб раҳбари Комил Чориевдан бугунги кунда ушбу санъат даргоҳида халқ бахшиларидан Шоберди Болтаев, Муҳаммад бахши Эшбоев каби таниқли бахшиларнинг ёшларга сабоқ бераётгани ва ҳар ойда воҳадаги таниқли бахшилар иштирокида дoston кечалари ўтказилишини эшитиб хурсанд бўлдик.

Демак, қадим қадриятлар асло унутилмайди. Аксинча, асрлардан асрларга, авлодлардан-авлодларга ўтиб бахшиларнинг тилида жаранг сочаверади.

Ижодий ишларимизга яқун ясаб, Термиз-Тошкент поезидига чиққанимизда, қор учкунлай бошлаган эди. Кўз ўнгимдан қийғос гуллаган бодом дарахти, бойчечак, кўзиўти, майсалар ҳамма-ҳаммаси бирма-бир ўта бошлади. Нима бўлганда ҳам қиш барибир қиш-да...



Oila va jamiyat
Ижтимоий-
сиёсий,
маънавий-
маърифий
газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси,
“Болалар ва оилаларни қўллаб-
қувватлаш” ассоциацияси
(Болалар жамғармаси) ва
“Соғлом авлод учун” халқаро
хайрия фонди

Бош муҳаррир: Воҳид ЛУҚМОНОВ

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000.
Амир Темуր кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 236, Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади – 5306. Ваҳоси келишилган нарҳда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи:

Мусаҳҳих:

Саҳифаловчи:

Б. Исомилов

С. Сайдиалимов

А. Маликов

ISSN 2010-7609



Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 4 5